УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
12 МАР 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

1984 ЙИЛ

8 МАРТ № 11 (2751) ПАЙШАНБА

КИШИЛАРНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЎЗГАРТИРА БОРИБ, АЙНИ ВАҚТДА УЛАРНИ ҒОЯВИЙ-МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН КАМОЛ ТОПТИРИШ УЧУН ҲАММА ИШНИ ҚИЛИШ ЗАРУР. КИШИЛАРНИ МАЪНАВИЙ ЖИҲАТДАН КАМОЛ ТОПТИРИШ, УЛАРНИ СОЦИАЛИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШ СОҲАСИДА КАТТА ИШЛАР ҚИЛМАЙ ТУРИБ, ЕТУК СОЦИАЛИЗМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИНИ УДДАЛАБ БЎЛМАСЛИГИ РАВШАН.

К. У. ЧЕРНЕНКО

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қизлар!
Ватанимизнинг шонли қизлари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — Бутун дунё меҳнаткаш хотин-қизларининг интернационал бирдамлик куни билан астойдил табриклайди ва самимий қутлайди!

8 март — энг порлоқ ва қувончли байрамларимиздан биридир. У ҳар бир меҳнат коллективига, ҳар бир онлага баҳор билан бирга кириб келади. Социал-иқтисодий ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги илҳомбахш, тинимсиз ишлари учун хотин-қизларга бутун мамлакат сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этади.

Бу йил Халқаро хотин-қизлар куни совет халқининг юксак сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати вазнятида нишонланмоқда. СССР Олий Советига ўтказилган сайлов социалистик демократиянинг буюк ҳаётий кучини, меҳнаткашлар Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларини яққол намойиш қилди. Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, совет кишиларининг онглилиги, уюшқоқлиги Юрий Владимирович Андропов билан видолашув кунларида яққол намоён бўлди. Совет кишилари партия билан қалбан ва ақлан равишда Ленин партиясининг ҳаётбахш ғоялари ва ишлари учун ҳар доим ҳушёр, ҳушёр ва ҳушёр бўлишга, ҳушёрликни ҳушёрлик билан ҳушёрлик билан ҳушёрлик билан

ЮРИЙ ГАГАРИННИНГ 50 ЙИЛЛИГИ

ТАБАССУМ КИШИСИ

Юрий Алексеевич Гагарин туғилган кунга эртага 50 йил тўлади. У кишилик тарихида янги даврни — коинотни илмий ўрганиш даврини бошлаб берган чоғида йигирма етти ёшли йигит эди. Ана шу фазога қилинган биринчи парвози туфайли унинг исми бутун инсоният учун мардлик ва жасорат тимсоли бўлиб қолди.

Юрий Гагарин Саратов аэроклубида ўқиб юрган пайтида биринчи марта мустақил учишни амалга оширган эди. Курсни тугатгач, 1955 йилда Совет Армияси сафларига чақирилади ва Оренбург шаҳрига — К. Е. Ворошилов номидаги 1-Чкалов ҳарбий-авиация учувчилари билим юртига ўқишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳоларга тугатгач, 1957 йилнинг декабридан бошлаб у Шимолий флотнинг қирувчи авиация қисмларида хизмат қилди.

1960 йилнинг март ойида Ю. Гагарин космонавтлар отрядига қабул қилинди. Июнь ойида эса КПСС сафига кирди.

Ю. Гагариннинг табассум қилиб тушган сурати жуда машҳур. У инсон сифатида ана шундай дилбар табассум кишиси эди. Камтарин ва олижаноб Юрий Гагариннинг фазога учиш олдидан айтган — «Кетдик!» деган сўзи шоирларнинг шеър ва достонларида, малмакат фазогирларининг жасоратларида яшаётир. Бу сўз инсониятни коинотнинг сеҳрли дунёсига чорлайверади.

ЮРИЙ ГАГАРИННИ ЭСЛАБ

Мирза КЕНЖАБОЕВ

Ердан кетишдаги охирги сўзинг —
Фазога етишнинг биринчи сўзи
Қанча ҳайрат берди Абадиятга,
Қанча шеърлар берди Адабиётга!

«Кетдик!» —
Болаликдан менга ҳам таниш.
Арава. Кетмонча. Чумчуқ галалар.
Эс танно,
Илк бора кўрган кенглигим —
Мовий сайёрада
мовий далалар.
Аммо
Инқилобий «Кетдик!»инг билан
Асрий занжирларин уздинг сен Ернинг!
Қанча достон бердинг элингга,
Қанча туғён бердинг,
Қанча мухбирларга шуҳрат-шон бердинг.

Бу сўз болаликдан умримга шерик.
Тўй. «Ер-ёр». Қўшиқлар, рақслар тетик;
Митти оёғимда миттигина этик;
Мен — бола, покликнинг тимсоли бўлиб,
Келин минган отга мингашдим: «Кетдик!»

Аммо сен...
Уз буюк «Кетдик!»инг билан
Юлдузлар юртига заминни элтдинг.
Онанг кузларининг осмонларида
Қанча юлдузларни тўзғитиб кетдинг.

Бу сўз ўсмирликдан кўнглимга яқин.
Руҳимда тирилган кечмиш бир Давр:
Мактаб саҳнасида «Кетдик!» деб айтдим,
Шўрлик Жамилага мен шўрлик Ғофир.

Аммо сен...
Бир содда «Кетдик!»инг билан
Фазога боошладинг бутун оламни.
Сенинг бир сузингда Тарих кўролди
Ердан занжирларин узган Одамни!

Кейин «Кетдик!»ларим каттариб кетди,
Неча бекатларда тирилдим-йитдим.
Кетдим. Кета-кета кўнгил кетидан,
Сенинг парвоз этган ёшингга етдим.

Англадим: айланар бу зангор замин
Қораси, қизили, оқлари билан,
Теловлари билан, соғлари билан,
Низо-ю сулҳлари, қийноқлари билан;
Айланар вафодор бевалари-ю
Турли хоинларнинг доғлари билан.

«О, мовий сайёра! Салом! Омон бўл!» —
Янграр фазогирнинг ҳайрати кўкда.
Бепоён меҳр бу,
Муқаддас Ер бу —
Юракнинг куйнги сингари нуқта.

Баъзан кетгим келар. Қўзғолгин, дейман,
Вужудим — шиддатли тайёрам, Кетдик!
Бу ердан кетайлик, Онажон, дейман,
Дейман: мовий сайёрам, Кетдик!

Аммо...
Узга эди сенинг «Кетдик!»инг.
Фазога боошладинг бутун оламни.
Содда бир сузингда Тарих куролди
Ернинг занжирларин узган Одамни!

СЕЛЕКЦИЯ ВА ҲОСИЛ ТАҚДИРИ

СССР Қишлоқ хўжалиқ министрлиги Қишлоқ хўжалиқ экинлари навини синаш давлат комиссиясининг Ўзбекистон ССР бўйича инспектураси бошлиғи Зонр ЗИЕДОВ ҳикоя қилади.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида таъкидланганидек, селекция ва уруғчилик соҳасида амалга оширишимиз зарур бўлган юмушлар ҳали анчагина. Сўнгги йилларда пахта йиғим-терими мавсумининг қишли-қировли кунларгача чўзилиб кетиши биргина пахтакор учун эмас, ўқувчилар, студентлар, шаҳарлик ҳашарчилар учун ҳам бир қатор мушкулликларни юзага чиқармоқда. Бу, аввало, тезпишар навларимизнинг камлиги оқибатидир. Демак, селекционерларимиз эртапишар навлар яратишдек машаққатли ва шарафли вазифани бир дақиқа ҳам унутмасликлари шарт.

Чунки унинг толаси олтинчи тип ҳосилбанади ва тўқимачилик комбинатлари унчалик қадрламайдилар. Демак, шунинг ўзи ҳам унинг ўрнига кўплаб истиқболли навлар экишни тақозо этади. Бундай навлар бизда йўқ эмас. Оқ олтин, Фарҳод, 175-Ф, 149-Ф, АН Ўзбекистон-3 сингари истиқболли навлар шулар жумласидандир. Ўзёки бу навга баҳо беришда унинг иқтисодий афзалликларини ҳам ҳисобга олиш керак, албатта. Масалан, Тошкент навининг бир тоннаси биринчи сортга сотилганда, хўжалик 710 сўм даромад олади. Янгидан районлаштирилаётган Оқ олтин навининг эса ҳар тоннасидан 850 сўм даромад қилиш мумкин. Демак, биз нав танлашда унинг иқтисодий томонларини ҳам ҳисобга олиб иш тутишимиз зарур.

Бу ўринда кўпчиликка маълум бўлган 108-Ф нави ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ана шу навни селекционер Леонид Румшевич 1942 йилда яратган эди. Орадан анча вақт ўтиб 1947 йилда мазкур нав районлаштирилди. Кейинчалик эса мамлакатимиздаги пахтакор хўжаликларнинг аксарияти 108-Ф навини экадиган бўлдилар. У республикамиздан ташқари Озарбойжон, Тожикистон, Туркманистон республикаларига ҳам тарқалиб кетди ва пахта майдонларининг 70 процентини ишғол этди. Чунки бу нав иқлим шароитларига қараб 120—180 кунда пишиб етилади, ҳар бир кўсаги 6—7 граммгача ҳосил беради. Унинг бир толаси 4,8 грамм юк кўтаради. Бошқа навларга таққослаб кўрганда, бу жуда яхши кўрсаткич. Аммо сўнгги йилларда у вилтга чалинганлиги сабабли ҳам, ўз ўрнини Тошкент навларига бўшатиб берган эди. Энди эса пахтакорларимиз тағин 108-Ф навининг чиғитини талаб қилмоқдалар. Шуни ҳисобга олиб, бу йил 321 минг гектар майдонга 108-Ф нави экиш планлаштирилди. Мазкур навни асосан, Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Қашқадарё областларининг янгидан ўзлаштирилган майдонларига жойлаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида селекция даргоҳлари билан айрим селекционерлар ўртасидаги ижодий алоқани мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик фанининг турли жабҳаларида ишлайдиган генетиклар, физиологлар, энтомологлар хизматини умумлаштириш зарурлиги қайд этилган. Бу ҳақиқатан жуда зарур тадбир. Яратиладиган янги нав ирсий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши, яъни йиллар ўтиб, сифатларини йўқотмаслиги, у физиологик жиҳатдан ихчам, касалликлар, зарарли ҳашаротларга бардошли бўлиши лозим. Бунинг учун эса ана шу соҳа олимларининг биргаликда иш тутиши катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар ҳар бир жойнинг иқлим ҳамда тупроқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда нав танлашга алоҳида эътибор беришлари шарт. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарё областларида мўл ҳосил берадиган С-6037, Аш-25 навлари республикамизнинг бошқа областларида мўлжалдаги ҳосилни бермаслиги турган гап. Бу эса ўз навбатида селекция ишларини илмий тарзда ташкил этишни, мутахассислар билан келишган ҳолда иш тутишни тақозо этади.

Сўнгги йилларда уруғчилик хўжаликларини ривожлантиришга, уларнинг модий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериляпти. Уруғлик пахта анча қиммат нархда сотиб олинмоқда. Демак, уруғлик пахта етиштирадиган хўжаликларга нисбатан талаб ҳам шунга яраша бўлиши шарт. Навларнинг аралашиб кетиши, уруғлик учун ҳали пишиб етилмаган ҳосилни териб олиш сингари ҳоллар умумий ишимизга путур етказишини унутмаслигимиз керак.

Республикамизнинг аксарият хўжаликларида 1984 йил ҳосили учун кураш бошланганига анча вақт бўлди. Экинларни жойлаштириш планлари кўриб чиқилди. етарлича маҳаллий, минерал ўғит жамғарилди, ерлар текисланди ва ҳоказо. Шу билан бирга, ҳосил сифати учун ҳам ҳозирданоқ қизғин кураш бошлаш зарур. Бунинг учун эса аввало селекция ва уруғчилик ишларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ, жиддийроқ эътибор бериш керак.

Тағин бир мулоҳазани ўртага ташламоқчи эдим. Юқорида Л. Румшевич, Ю. Хуторной сингари ажойиб селекционерларнинг номларини тилга олиб ўтдим. Пахтачилигимиз тараққиётида уларнинг хизматлари жуда катта. Аммо шунга қарамай, бу заҳматкаш селекционерлар ҳақида йирик ҳужжатли ёки бадиий асарлар яратилган эмас. Назаримда, бундай селекционерлар экранларда ҳам ўз аксини топиши керак эди.

Эзгу ишнинг кечи йўқ, дейди халқимиз. Ана шундай тадбирлар ёш селекционерлар армиясини вужудга келтиришда ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

КПСС МК ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Албатта, бу осон вазифа эмас. Баъзан тажриба участкаларида яратилган эртапишар навлар касалликларга чидамсизлиги, толасининг сифатсизлиги ёки бошқа қусурлари сабабли районлаштирилмай қолади. Бу эса ўз навбатида илмий-тадқиқот даргоҳларида ишлайдиган олимлар, илмий ходимларнинг ишларини марказлаштиришни, ҳар томонлама талабга жавоб берадиган янги навларни кўпайтиришни тақозо этади.

«Текшириб кўрилмаган навларни колхоз ва совхозларда ўзбошимчалик билан экиш фактлари ҳам борки, булар навлар кўпайиб кетишига сабаб бўлиб, хўжаликларга катта иқтисодий зарар етказмоқда», дейилади мазкур қарорда. Бу жуда ўринли танқид. Ўтган йили республикамиз пахтазорларида 24 нав районлаштирилганлиги ҳам фикримизнинг далили бўла олади. Улар орасида аллақачон яроқсиз ҳолга келган ёки обдон синаб кўрилмаган навлар ҳам анчагина. Мазкур навлар орасида СоюзНИХИ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими олимлари томонидан яратилган навлар билан Туркманистон, Тожикистон республикаларидан келтирилган навларни ҳам учратиш мумкин.

Ўтган йил, жумладан кўпгина майдонларга Тошкент-I нави ҳам экилди. Аммо эндиликда бу нав анчайин эскириб қолганлиги, талабга унчалик жавоб бермаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки унинг толаси олтинчи тип ҳосилбанади ва тўқимачилик комбинатлари унчалик қадрламайдилар. Демак, шунинг ўзи ҳам унинг ўрнига кўплаб истиқболли навлар экишни тақозо этади. Бундай навлар бизда йўқ эмас. Оқ олтин, Фарҳод, 175-Ф, 149-Ф, АН Ўзбекистон-3 сингари истиқболли навлар шулар жумласидандир. Ўзёки бу навга баҳо беришда унинг иқтисодий афзалликларини ҳам ҳисобга олиш керак, албатта. Масалан, Тошкент навининг бир тоннаси биринчи сортга сотилганда, хўжалик 710 сўм даромад олади. Янгидан районлаштирилаётган Оқ олтин навининг эса ҳар тоннасидан 850 сўм даромад қилиш мумкин. Демак, биз нав танлашда унинг иқтисодий томонларини ҳам ҳисобга олиб иш тутишимиз зарур.

Бу ўринда кўпчиликка маълум бўлган 108-Ф нави ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ана шу навни селекционер Леонид Румшевич 1942 йилда яратган эди. Орадан анча вақт ўтиб 1947 йилда мазкур нав районлаштирилди. Кейинчалик эса мамлакатимиздаги пахтакор хўжаликларнинг аксарияти 108-Ф навини экадиган бўлдилар. У республикамиздан ташқари Озарбойжон, Тожикистон, Туркманистон республикаларига ҳам тарқалиб кетди ва пахта майдонларининг 70 процентини ишғол этди. Чунки бу нав иқлим шароитларига қараб 120—180 кунда пишиб етилади, ҳар бир кўсаги 6—7 граммгача ҳосил беради. Унинг бир толаси 4,8 грамм юк кўтаради. Бошқа навларга таққослаб кўрганда, бу жуда яхши кўрсаткич. Аммо сўнгги йилларда у вилтга чалинганлиги сабабли ҳам, ўз ўрнини Тошкент навларига бўшатиб берган эди. Энди эса пахтакорларимиз тағин 108-Ф навининг чиғитини талаб қилмоқдалар. Шуни ҳисобга олиб, бу йил 321 минг гектар майдонга 108-Ф нави экиш планлаштирилди. Мазкур навни асосан, Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Қашқадарё областларининг янгидан ўзлаштирилган майдонларига жойлаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида селекция даргоҳлари билан айрим селекционерлар ўртасидаги ижодий алоқани мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик фанининг турли жабҳаларида ишлайдиган генетиклар, физиологлар, энтомологлар хизматини умумлаштириш зарурлиги қайд этилган. Бу ҳақиқатан жуда зарур тадбир. Яратиладиган янги нав ирсий жиҳатдан мустаҳкам бўлиши, яъни йиллар ўтиб, сифатларини йўқотмаслиги, у физиологик жиҳатдан ихчам, касалликлар, зарарли ҳашаротларга бардошли бўлиши лозим. Бунинг учун эса ана шу соҳа олимларининг биргаликда иш тутиши катта аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар ҳар бир жойнинг иқлим ҳамда тупроқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда нав танлашга алоҳида эътибор беришлари шарт. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарё областларида мўл ҳосил берадиган С-6037, Аш-25 навлари республикамизнинг бошқа областларида мўлжалдаги ҳосилни бермаслиги турган гап. Бу эса ўз навбатида селекция ишларини илмий тарзда ташкил этишни, мутахассислар билан келишган ҳолда иш тутишни тақозо этади.

Сўнгги йилларда уруғчилик хўжаликларини ривожлантиришга, уларнинг модий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериляпти. Уруғлик пахта анча қиммат нархда сотиб олинмоқда. Демак, уруғлик пахта етиштирадиган хўжаликларга нисбатан талаб ҳам шунга яраша бўлиши шарт. Навларнинг аралашиб кетиши, уруғлик учун ҳали пишиб етилмаган ҳосилни териб олиш сингари ҳоллар умумий ишимизга путур етказишини унутмаслигимиз керак.

Республикамизнинг аксарият хўжаликларида 1984 йил ҳосили учун кураш бошланганига анча вақт бўлди. Экинларни жойлаштириш планлари кўриб чиқилди. етарлича маҳаллий, минерал ўғит жамғарилди, ерлар текисланди ва ҳоказо. Шу билан бирга, ҳосил сифати учун ҳам ҳозирданоқ қизғин кураш бошлаш зарур. Бунинг учун эса аввало селекция ва уруғчилик ишларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ, жиддийроқ эътибор бериш керак.

Тағин бир мулоҳазани ўртага ташламоқчи эдим. Юқорида Л. Румшевич, Ю. Хуторной сингари ажойиб селекционерларнинг номларини тилга олиб ўтдим. Пахтачилигимиз тараққиётида уларнинг хизматлари жуда катта. Аммо шунга қарамай, бу заҳматкаш селекционерлар ҳақида йирик ҳужжатли ёки бадиий асарлар яратилган эмас. Назаримда, бундай селекционерлар экранларда ҳам ўз аксини топиши керак эди.

Эзгу ишнинг кечи йўқ, дейди халқимиз. Ана шундай тадбирлар ёш селекционерлар армиясини вужудга келтиришда ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Баҳор эшик қоқмоқда. Мўл ҳосил олиш кўп жиҳатдан бугунги уруғликнинг тўқ ва сифатли бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам республикамизнинг аксарият хўжаликларида сифатли уруғлик танлаш ва жамғаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси

Ражаббой РАУПОВ,
Беккул ЭГАМҚУЛОВ

ҚИШЛОҚДА ЧЕМПИОНЛАР НЕГА КАМ?

● «СПОРТ! МЕН БУ СЎЗНИ ФАҚАТ БАХТ ВА КУРАШ СЎЗЛАРИ БИЛАНГИНА ТЕНГЛАШТИРА ОЛАМАН» ● ЧЕМПИОНЛАР ДЕЙДИКИ...

Ҳурматли редакция,

1966 йили мактабимизга Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институтини битириб, бокс бўйича СССР спорт мастерлигига номзод Аҳмад Тўрабеков ўқитувчи бўлиб келди. Педагоглар ва ўқувчилар орасида «Аҳмад чаққон» деб ном қозонган бу муаллим қишлоқда тез орада шундай ишларни амалга оширдики, биз бу одамни ҳали-ҳали меҳр билан эслаймиз.

Уша йили ўнинчи синфни тугатган йигирма саккиз нафар йигит-қизлардан саккизтаси республикадаги Педагогика институтларининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирди. Мактабимиз учун янгилик ҳисобланган бу ишда, сўзсиз, Аҳмад аканинг хизматлари катта.

Ушанда олтинчи синфдан ўнинчи синф ўқувчиларигача — ҳамма болалар бир ҳафта давомида далада ишлаб, ажриқ ва чим олиб келиб, Аҳмад аканинг раҳбарлигида мактаб стадионини қайта тиклаган эдик. Каптархонага айланган спорт зали деразаларига ойна ўрнатдик. Спорт анжомлари сотиб олинди. Бокс, футбол, кураш, волейбол секциялари мунтазам иш бошлади. Хуллас, қисқа вақт ичида мактабимиз спортчилари область, ҳатто республика мусобақаларида қатнаша бошлади. Аммо, афсуски, Аҳмад Тўрабеков қўшни районга кўчиб кетдию ҳамма иш олдингидек, гекин-аста совуди. Стадион ҳувиллаб, томошабинларнинг хуррам ҳайқириқлари эшитилмай қолди. Баъзида ўйлаб, ҳеч ақлимга сиғдиролмайман. Шу кунларда мактабда учта олий маълумотли жисмоний тарбия ўқитувчиси ишлаяпти. Стадион, спорт зали, югуриш йўлкалари, тир, спорт анжомлари, формалар — бари мавжуд. Илгаригидек, ота-оналар «Нега боламни югуртирасан, қизимни физкультура дарсига қатнаштирмайман, деб мактабга шикоят билан (илгари қишлоқларда бундай ҳоллар тез-тез такрорланарди) келишмайди. Спортга муносабат ўн чандон ошди. Лекин натижага келганда...

Чамаси, физкультура ўқитувчилари қирқ беш минутлик дарсни бир амаллаб ўтказишадию зиммаларидаги шарафли бурч ҳақида ўйлашмайди ҳам... Илгари мактабимизнинг «Ғолиб» деган футбол командамиз билан фахрланардик. Тўйларда, мусобақаларда Аҳмад муаллимнинг шогирдлари курашда ғолиб чиқишини кўриб қувонардик. Ҳар қалай, спорт эрмак эмасди. У кўпларни эргаштирадиган, қизиқтирадиган, тарбиялайдиган севимли дарс ҳисобланарди.

Қишлоқдан Собир Қурбоновдек машҳур жаҳон чемпиони етишиб чиққанда бошимиз осмонга етганди: «Мумкин эканку!».

Спорт! Мен бу сўзнинг маъносини фақат БАХТ ва КУРАШ сўзи билангина тенглаштира оламан...»

Дилшод ҚУШШАЕВ

Бухоро

МАНА, биз бухоролик Дилшод Қушшаевнинг мактубини деярли шарҳламасдан Сиз, ҳурматли газетхонлар ҳукмига ҳавола қилмоқдамиз. Республикамиз қишлоқларида физкультура ва спорт ишларини йўлга қўйиш ниятида ёзилган бу хатда, фикримизча, жуда муҳим масала ўртага ташланган.

Дарҳақиқат, редакциямизга келаётган бу тарздаги хатларда қишлоқда физкультура ва спортни чуқур оммалаштириш, спорт базасига етарли эътибор бериш ва кадрлар масаласи атрофлича таҳлил қилинган. Республикамиз қишлоқларида элнинг назарига тушган машҳур спортчилар, спартакиада ва жаҳон чемпионлари бармоқ билан санарли эканлиги, жуда кўп районлардан эса умуман спорт мастерлари ва чемпионлар чиқмай қолгани афсус билан баён этилади.

Хўш, бу ташвишли ҳолнинг туб сабаблари нимада?

Редакция почтасидаги хатлар ана шу савол устида ўйлашга, фикр юритишга ундайди.

Маълумки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1981 йилнинг 11 сентябрида қабул қилган махсус қарори мамлакатимизда физкультура ва спортни ривожлантиришнинг янги истиқболларини белгилаб берган эди. Республикамизда ҳам бу соҳада сезиларли ютуқлар қўлга киритилганлиги шубҳасиз. Тошкент, Наманган, Андижон, Самарқанд областларида замонавий спорт комплекслари қурилди, районларда хўжаликлараро спорт клублари тузилди. Минглаб ўқувчи-ёшлар ўзларининг севимли машғулотлари — спорт билан шуғулланиш имконига эга бўлдилар.

Мухлислар Хоразм областининг «Нариманович» футбол командасини яхши билишади. Команда СССР чемпионатининг иккинчи лигасида муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Тошкент областининг «Политотдел» колхози спортчилари эришаётган ютуқлар ундан ҳам салмоқли. Колхознинг «Политотдел» номли чим устида хоккейчи қизлари ўтган йили СССР чемпионатининг олий лигасида қатнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади. Бу — биринчи бор олий лигада қатнашаётган колхоз қизлари учун катта ютуқ, албатта. Команда базасида СССР терма командасининг тузилиши эса колхозда спортнинг бу тури нечоғли ўсиб бораётганидан далолат беради. Хўжаликда 1700 киши спорт билан мунтазам шуғулланади. Уларга бешта республикада хизмат кўрсатган, тўққизта жамоатчи тренерлар бириктилган. Бундай илғорлар рўйхатига Усмон Юсупов номидаги аграр-саноат бирлашмаси, Андижон областидаги «Савай» совхози, Наманган областидаги Поп ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бухоро областидаги «Маданият» колхози, Косонсой районидаги «Умид» спорт мактаби, Ғалаба, Денов, Шаҳрисабз районларидаги спорт комплекслари ва уларда олиб борилаётган ишларни ҳам кўшиш мумкин.

Аммо биз республиканинг ҳар бир область ва айрим районларидан яхши мисол тариқасида излаб топиш мумкин бўлган бундай якка хўжаликлар рўйхатини давом эттириш ниятида эмасмиз. Чунки газетхонларни бу соҳадаги айрим муваффақиятлар эмас, балки республикамиз қишлоқларида спорт қай даражада оммалашиб бораётганлиги кўпроқ қизиқтирмоқда.

Тўғри, жаҳон спортининг кўп турлари халқимиз учун янгилик. Шу билан бирга кураш, қиличбозлик, от спорти, қадоқ тошлар кўтариш, дор устида ўйинлар, яъни дорбозлик санъати қадимда кенг тарқалгани ҳам сир эмас. Ҳатто булар халқ оғзаки ижодининг, адабиётимизнинг намуналарига ҳам сингган...

Маълумки, республикамизда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, областлардаги Педагогика институтларининг жисмоний тарбия факультетлари ва бошқа ўнлаб спорт мактаблари ишлаб турибди. Демак, бу соҳанинг малакали муаллимлари, устозлари, жонкуярлари етарли, деб айтиш мумкин. Ҳар йили минглаб нусхада спорт адабиётлари нашр этилмоқда. Давлатимиз ўтган 1983 йили республикамизда физкультура ва спортни ривожлантириш учун 4 миллион 433 минг сўм ажратган. Бу озмунча маблағ эмас.

1983 йили Ўзбекистон бўйича қишлоқ спортчиларидан 66 нафари СССР спорт мастери деган унвон олди. Бу ҳам яхши рақам. Лекин бу рақамни областларга «тақсимлаб» кўрадиган бўлсак, натижа биз ўйлаганчалик қувончли бўлиб чиқмайди. Чунки олтмиш олтита спорт мастеридан ярми Тошкент области улушига тўғри келадики, шу фактнинг ўзнёқ кишини ташвишлантирмай иложи йўқ.

Албатта, қарс икки қўлдан, деганларидек, бу камчиликларни бир ёқлама изоҳлаш адолатдан бўлмайди. Қишлоқда ҳал этилиши лозим бўлган проблемалар кўп. Олдимизда спорт комплекслари қуриш, кадрлар масаласи, мунтазам мусобақалар ўтказиш, ёш талантларни тарбиялаш, уларни чемпионлик шоҳсупага етаклашдек мураккаб вазифалар турибди.

Фактларга мурожаат этайлик. Бекобод районида ўттиз бешта ўрнига 27 биринчи разрядли спортчи, бешта ўрнига атиги битта спорт мастерлигига номзод тайёрланди. Оҳангарон районида спорт секциялари номигагина ишлаяпти деб айтиш мумкин. Коллективларда белгиланган машғулот ва мусобақалар кўпинча юқори спорт ташкилотларининг турткиси билан ўтказилади. Кўқдала, Меҳнатобод, Арнасой, Фориш, Ўзбекистон, Томди, Муборак ва яна кўплаб районларда ишда совуққонлик ҳукм суриб, спорт ўгай соҳага айланиб қолмоқда.

Бу фактларни камчилик ё оддийгина хато, деб изоҳлаш мумкинми? Йўқ, албатта! Калинин райони марказида ўн минг томошабинга мўлжалланган стадион қурилиши планлаштирилди. Лекин иш ҳануз пландан нарига ўтмаяпти. Бекобод райони маркази — Зафар посёлкасида эса беш минг кишилик стадион қурилиши учун ажратилган жой беш йилдан буён унутилган.

Бу ўринда айбни фақат қурилиш ва спорт ташкилотларига юклаш инсофдан эмас. Масқур районлар ижроия комитетларидаги мутасадди ўртоқлар спорт комплексларини қуриб, вақтида фойдаланишга топшириш борасида мутлақо фаолият кўрсатмаяптилар.

Қишлоқдан совриндорлар, чемпионлар етишиб чиқиши спортни оммалаштиришнинг муҳим омилларидан бири. 1975 йилда Минск шаҳрида ўтказилган чемпионатда қувончли воқеа юз берди — Сайфиддин Ҳодиев, Собир Қурбонов жаҳон чемпиони, деган юксак ва шарафли унвонга эга бўлишди. Бу тасодифми ёки омадми? Ҳар иккала чемпион ҳам қишлоқда вояга етган, илк спорт тарбиясини ҳам қишлоқда олган. Собир Қурбонов Бухоро Давлат педагогика институтининг физика-математика факультетини тамомлаган. У катта-кичик жуда кўп мусобақаларда ғолиб бўлди. Пойтахтга — номдор тренерлар қўлига етгунча у маҳоратли, чиниққан, тайёр чемпион эди.

Аммо, мана, орадан саккиз йил ўтдики, қишлоқ чемпионларининг рўйхатига номдор спортчилар қўшилмаяпти, қўшилганларини эса бармоқ билан санаш мумкин.

Яқин йилларгача Ўзбекистонда миллий от спорти — чавандозлик оммавий ривожланган, бу тур бўйича республикамиз вакиллари олимпиада, жаҳон чемпионатларида мамлакат спорт шарафини ҳимоя қилиб келганлар. Лекин сўнгги йилларда от спортида бирмунча орқага чекиниш юз берди. Деярли ҳар бир районда ипподромлар мавжуд. Улардан йилда бир марта — пахта плани тўлганда ўтказиладиган байрам, сайлларда фойдаланишни ҳисобга олмасак, қолган вақтлар деярли бўш, ҳувиллаб ётади. Буларнинг туб сабаблари яна ўша фидойилик ва масъулиятга бориб тақалмасмикан? Қишлоқ спорти ҳақида ўйлаганда, шуни ҳам айтиш керакки, у ердаги коллективларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш ҳақида ҳамиша ҳам яхши қайғурмаймиз. Ахир спорт жиҳозлари етарли бўлса, ҳар бир район, областда махсус магазинлар очилса, бу нарса фақат фойдадан ҳоли бўлмас эди-ку! Ахир аксарият районларда спорт магазинларининг йўқлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Жозиба... Л. ҲУСАИНОВ фотоси

Шубҳасиз, спорт деганда биз ўйин ёки чемпионлик учун курашнигина тушунмаймиз. Унинг аҳамияти чексиз. Маълумки, халқлар ўз орзуумидларини паҳлавон баҳодирлар — Илья Муромец, Алпомиш, Рустам, Фарҳод, Манас образларида акс эттирган. Алпомишни эсланг. Кийиниши, оти, қиличи, қуроллари бугунги тараққий этган спорт турларини эслатмайдими? Ёки Навоийнинг Фарҳоди-чи, Пушкиннинг Руслани-чи? Халқ бу образларни беҳудага яратмаган, барчасининг тақдири Ватан қисмати билан боғлиқ.

Бизнинг мулоҳазаларимизга баъзи бир хўжалик раҳбарлари «Ахир, бизда таниқли спортчилар ҳам бор-ку», деб эътироз билдиришлари ҳам табиий. Лекин, олдиндан айтиш мумкинки, қишлоқ спортчилари рўйхатларга тиркалиш учун, мисол тариқасида айтилиши учунгина майдонга тушмаганлар. Республикамиздаги таниқли чемпионлар, спорт усталарининг фикрларига диққат қилайлик.

— Назаримда, баъзи область ва районлардаги спортга дахлдор ўртоқларда масъулият туйғуси сусайиб кетганга ўхшайди. Узим қиличбоз бўлганим учун республика миқёсида ўтадиган кўпгина мусобақаларни кузатиб борман. Мени бир нарса доимо таажжублантиради. Мусобақага келган спортчиларнинг кўпи, ҳатто дурустроқ қилич ушлашни ҳам билишмайди. Масъул кишилар «Мусобақа бўлармиш, бизнинг вакиллар ҳам қатнашиши шарт экан», деб мактабданми, колхозданми уч-тўрт йигитни йиғиб, мусобақага олиб келаваradилар.

Мен 1965 йилдан бери спорт билан шуғулланаман. Илгарилари қиличбозлик бўйича ҳар бир беллашув юксак савияда ўтказиларди. Томоша заллари доимо тўлиб турар эди. Ҳозирги мусобақалар-чи? Баъзан уларни кўриб ачиниб кетасан киши.

Собир РУЗИЕВ,

қиличбозлик бўйича жаҳон чемпиони

— Узоқ йиллар давомида кўплаб қишлоқ ёшлари билан ишлашга тўғри келди. Улар эпчил, бақувват, иқтидорли бўлишади. Аммо уларга нисбатан «уста кўрмаган шогирд...» иборасини қўллашга мажбурман. Кўпчилиги спорт техникасидан йироқ. Бунинг асосий сабаби, назаримда, қишлоқда тажрибали тренерлар етишмаслигида.

Давоми еттинчи бетда

Муроджон МАНСУРОВ

ОЧЕРК — БАДИИЙ АСАР

БАҲС

МУНОЗАРА муносабати билан уч воқеа ёдимга тушди. Аввало шулар ҳақида сўзламоқчиман.

Биринчи воқеа. Тошкентга ўқишга келган газета ходимлари очерк ҳақидаги суҳбатга таклиф этишди. Маърузадан кейиноқ савол-жавоб қизиб кетди. Ёдимда қолган саволлардан биттаси тахминан шундай эди:

— Сиз очерк бадииятга яқин жанр деяпсиз. Лекин республикамиз матбуотида тез-тез кўзга ташланаётган «илмий очерк»лар-чи? Улар очерк эмасми?

Мен, «илмий очерк» ёзиб юрган ҳамкасбларим ҳурмати, очиқ бир нарса демадим. Фақат:

— Буни вақт кўрсатади. Омон бўлсак кўрамиз, илмий очерк яшаб қоладими-йўқми, — дедим.

Иккинчи воқеа. Биласиз, мен машҳур машинасоз ишчи Маҳмуд Мўйдинов ҳақида бир эмас, бир неча очерк ёзганман. Шу қаҳрамоним билан ҳали ҳам тез-тез кўришиб турамиз. У ғалати воқеани айтиб берди:

— Биласизми, ўша сиз ёзган биринчи очеркни танишларим ҳали-ҳали гапириб юришади. Ҳатто учрашувлардан бирида ўша очеркдаги магнитафон лентаси воқеаси рост гапми, деб сўрашди. Мен кулиб, бўлган воқеа, деб қўя қолдим.

Биз кулишдик. Лента... аслида тўқима эди. Буни Маҳмуджон ҳам яхши билар эди.

Учинчи воқеа. Анча йил бурун район газетасида босилган очеркни қўлимга тутқазиб, шуни ўқиб кўринг-а, дейишди. Очерк равон тилда ёзилган, ёркин тасвирлар, топиб ишлатилган ўхшатишларга бой эди. Тунги суғориш манзаралари, сувчининг фидойилиги кўз олдингизда яққол гавдаланарди. «Агар сувчининг номи билан адресини олиб қўйса, бирор асардан парча ёки боб деб бемалол айтиш мумкин, ёмон эмас», дедим ҳамкасбларимга.

Улар кулишди:

— Ҳамма гап шунда-да! Очерк бошдан-оёқ тўқима экан. Яна тунда хиргойи қилиб, сув тутиб юрган қаҳрамонимиз ким экан денг?.. Соқов одам экан. Мухбир укамиз раисдан фактни олиб, у ёғини суриштирмай-нетмай тўқиб ташлаган эканлар. Мана, энди кулгига қолиб ўтирибмиз...

Шу уч воқеанинг ўзиёқ очеркка қарашларимиз ҳамон бир хил эмаслигини кўрсатиб турибди. Дарҳақиқат, очеркка қандай тош қўймоқ лозим? У бадиий асарми ё газета материали? Очерк ёзишдан мақсад — тирик замондошимиз образини яратишми ёки долзарб муаммоларни кўтариб чиқиб, кўпчилик эътиборини тортишми? Агар илм масалаларига бағишланган очеркни — «илмий очерк», иқтисодий мавзудагисини — «иқтисодий очерк», суддан ёзилганини «суд очерки» деб атасак, қишлоқ ҳаётидан ёзиладиган очеркларни «дала очерки» деб номлашимиз керакми?! Ва ниҳоят, агар очерк бирор муаммога бағишланадиган бўлса, ўша муаммо ҳал этилиши билан очерк ўлмайдими? Демак, сон-саноқсиз, шундай «очерклар»имиз вақт ўтиши билан «ўлса», ундан чиқди — кўпчилик ҳамкасбларимиз ўткинчи нарсалар ёзиб юрган эканлар-да?

Республика матбуотида кўп йиллар мухбир, бўлим мудири бўлиб ишлаган, газета учун умрини берган ҳамкасбимиз қазо қилди-ю, унинг хотираси ҳаққи ёзганларини йиғиб, китоб тайёрлашга жазм этдик. Аммо афсуски, ҳамкасбимизнинг ёзганлари орасидан бир китобга арзигулик материал чиқмади. Давр ўтиши билан ҳаммаси эскириб, ўз вазифасини ўтаб бўлган экан...

Ўшанда мен биринчи марта ўзимга ўзим ҳисоб бериб, ёзганларимдан қайсиси қолади-ю, қайсиси ўткинчи экан, деган хаёлга бордим. Очерк ёза туриб, тақдирини ўйламаслик катта хатоимиз экан. Очерк катта бадиий ҳақиқатга айланмаган тақдирда ҳам, у даврнинг реал йилномасига айланиши, эскирмаслиги учун воқеликни бадиий теран идрок эта билиш лозим экан.

Дарҳақиқат, нега ўлмайдиган қисса, роман яратиш мумкину, боқий очерк ёзиш мумкин эмас? Нега, биз очеркда инсоншунослик билан шуғулланмай қўйдик? Ҳаётда истаганча конфликт — тўқнашувлар бўла туриб, нима учун биз очеркларимизни шундай конфликтлар асосига қурмаяпмиз? Нима сабабдан очеркларимизда замондошларимизнинг ёркин характерларини чизишга уриниб кўрмаяпмиз? Агар ҳикоя ёзадиган бўлсак, ғояси, композицияси, ҳар бир детали устида обдон бош қотирамиз. Лекин очеркда нега буларга эътибор бермай қўйдик?

Мен очеркни бадиий асар тарозусида ўлчаб, очерклар ёзиб кўрганман. Уларнинг қанчалик яхши ёки ёмон чиққани менга қоронғу бўлса-да, айримларида конфликт, тўқима деталлар қанчалик қўл келганини, очеркни очиб юборганини айтмай иложим йўқ. Ўша, Маҳмуд Мўйдинов ҳақидаги очерк — қизлар базмида магнитофон лентасига ёзиб олинган воқеа сифатида, қаҳрамоннинг рафиқаси тилидан ҳикоя қилиб берилади. Бу усул очеркка бадиийлик билан бирга ҳаққонийлик ҳам бағишлаган, деб ўйлайман.

«Мирзатерак» очеркида шундай рамзий деталь бор. Далада тагига тангадек ҳам офтоб туширмай ўсиб ётган садақайрағоч ва нурга талпина-талпина унинг «қора ўтови»ни ёриб чиқиб, офтобда учи укпардек ҳилпираб турган мирзатерак тасвирланади. Нурга интилган бу мирзатерак менга қанча соясида қолдириб юборишга уринган машҳур раисга сўз бермай уни енгиб чиққан механизатор қиз — Муҳаббат Фахриддинова тақдирини эслатди. Очеркда шу кураш, раис билан механизатор ўртасидаги тўқнашувлар пахта ташувчи йигит (воқеаларнинг шоҳиди) тилидан ҳикоя қилинади. Мен умримда илк марта шу очерким чиққанда, гарчи буни айтиш ноқулай бўлса-да, ўқувчилардан хатлар олиб, унча-мунча ҳикояни ҳам тан олмайдиган адиб дўстларимдан илиқ сўзлар эшитганман. Бу, ўйлашимча, очеркни бадиий асар деб билиб, унда бадиийлик унсурларидан ўринли фойдаланиш туфайли бўлса керак.

Шу-шу очеркни конфликт — тўқнашув асосига қуриш, унда мантиққа зид келмайдиган тўқима ва деталлардан дадил фойдаланиш тарафдориман. Топиб ишлатилган бир бадиий деталь ҳам очеркка қанот бағишлаб, ғоясини очиб юбориши мумкин. Лекин меъёридан ортиқ тўқима, ҳаёт ҳақиқатидан йироқ деталь, зўрма-зўраки бадиийлаштириш ҳам бутун очеркни ёлғонга чиқариши ҳеч гап эмас. Очерк ёзувчи дилида пишиб етилгачгина, ёзиш зарурати туғилгандагина қоғозга тушса, кўнгилдагидек чиқади. У — бадиий асар, унга бадиият андозаси билан ёндашмоқ керак. Очеркнинг обрўйини фақат шу йўл билангина, фақат бадиий асарга айлантирибгина кўтариш мумкин.

ЁЗУВЧИ Норқул Ҳайитқулов очерк ўгай жанрга айланиб қолмоқда деб ташвишланганича бор. Биз — ёзувчилар бу жанрнинг тақдирини журналистлар билан бошловчи қаламкашларга топшириб қўйдик. Намуна бўладиган очеркларимиз эса жуда кам. Иброҳим Раҳимнинг «Қўш кечик», Назир Сафаровнинг «Узоқни кўзлаган қиз» каби асарларини эслайлик. Адолат юзасидан айтганда, кейинги йилларда шулар ва Йўлдош Шамшаровнинг «Ғурумсаройликлар» туркумидаги очеркларига тенглашадиган бадиий очерклар ёзилишини орзу қиламиз.

Истагимиз шуки, катта тажрибага эга адибларимиз йирик асарлар ўртасида, нафас ростлаш баҳонасида бўлса ҳам, очеркнинг яхши намуналарини яратиб, ибрат кўрсатсалар. Шунда очеркчилигимиз равон йўлга тушиб кетармиди? Ёш очерк-нависларимиз ҳам ҳар мақомга йўрғалаб юрмасмидилар...

Ўрни келганда яна бир гап. Очерк қаҳрамони фақат машъаллар бўлиши шартми? Нега энди адашиб, туртиниб-суртиниб бўлса-да, ҳақ-ҳақиқатни таниётган, охир-оқибат тўғри йўлни топиб олган одамларни очерк қаҳрамонлари қилиб олмаслигимиз керак? Менингча, ҳаётда ҳақ-адолатни деган, давлат, халқ манфаатини кўзлаган ҳар бир виждонли одамнинг ҳаёти ҳеч қачон силлиқ кўча қолмайди. Унинг ҳаёти, албатта, кураш ва тақнашувларга, мағлубиятлар билан бирга ғалаба нашидаларига бой бўлади. Ёзувчининг маҳорати — энг муҳимини ажратиб олиб, курашчан замондошимиз образини ёркин бўёқларда чизиб беришда кўринади. Бунга қодир ёшларимиз йўқми? Бор. Мен аминманки, кейинги пайтда кўпдан-кўп ҳаётий проблемаларга дадил аралашиб газета-журналларимизда долзарб мақолалар эълон қилаётган ёзувчилар Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Саъдулла Сиёев, Тоҳир Малик, Эмин Усмонов, Шароф Убайдуллаев ва бошқа дўстларимиз жиддий киришсалар, замондошларимиз ҳақида бадиий баркамол очерклар яратишлари мумкин. Фақат қунт ва истак керак, холос. Айниқса, ҳозир очерк жанр сифатида адабий асар эканини оғизда тан олибгина қолмай, амалда исбот этадиган вақт ҳамдир.

Агар очерк бадиий жанр бўлса, унда ҳаётий проблемалар қайси жанрнинг зиммасига тушади, дерсиз. Ташвишланишга ҳожат йўқ. Публицистика бу ишни ҳамиша зиммасига олиб келган ва ва бундан кейин ҳам бурчини адо этаверади. Фақат биз очерк билан публицистик материаллар ўртасидаги фарқни ажратиб олишимиз, иккаласини қориштириб юбормаслигимиз лозим. Балки, очеркда муаммо бўлмаслиги керак экан-да, дейдиганлар ҳам топилиб қолар. Негадир бу саволга «Ҳа, очерк — бадиий асар, унда ўткинчи муаммо эмас, инсон тақдири авторнинг диққат марказида туриши керак, замондошимизнинг кураши, орзу-умидлари, қалби тадқиқ этилиши лозим», дегим келади.

НИҲОЯТ, яна бир воқеа. Қурувчи Мухтор Ҳабибуллаев билан анчадан бери танишмиз. Уни кўпдан кузатиб юраман. Ҳабибуллаев бригадаси Ленин музейининг Тошкентдаги филиали, Ленин номидаги Халқлар дўстлиги саройи сингари кўркам қасрларни қурган. Ҳозир Ленин проспектининг у бошида осмонўпар бино — Ҳисоблаш марказини бунёд этмоқда. Унинг тўғрисида ёзилган «Орият» деган очеркимдан кўнглим тўлмай юрарди. Очеркда ўзига яраша воқеа ҳам, конфликт ҳам топилганди-ю, лекин шу билан бирга нимадир етишмаётганга ўхшар эди. Яқинда журналист Қодиржон Собиров Ҳабибуллаев билан учрашиб, қизиқ воқеани билиб келди. Ҳа-ҳа, биз билмаган нарсани топиб келди. Ҳабибуллаев аварияга учраб, бир йил гипсда ётганини билардим. Лекин у ўша аҳволда қурилишни соғинганида, дўстлари ҳафтада бир кун объектга олиб келиб, алоҳида жойга ётқизиб қўйишганларини, Мухтор эса ўша жонажон Халқлар дўстлиги саройи қурилишини кун бўйи томоша қилиб қувнаб ётганини, шу сабаб, тез соғайиб кетганини эшитмаган эканман. Кейин билсам, «Орият» очеркимда худди шундай ҳаяжонли воқеа етишмаётган экан. Афсуски, очерк ёзилиб бўлган эди...

Т. Г. ШЕВЧЕНКОНИНГ 170 ЙИЛЛИГИ

А. Эримбетов. «Шевченко Оролда».

УЛУҒ ҚЎБУЗЧИ

УКРАИН адабиёти ва адабий тилининг асосчиси, оташин революционер-демократ, йирик маърифатпарвар ва мутафаккир Тарас Григорьевич Шевченко 1814 йилнинг 9 мартида Украинада туғилди. Ота-онаси золим помешчик В. Энгельгардтга қарам бўлиб, ғоят қашшоқ ҳаёт кечиришарди. Кейинроқ Тараслар оиласи шу помешчикка қарашли қўшни Кирилловка қишлоғига кўчадилар. Бўлажак санъаткорнинг чексиз нола, ғам-ғусса, алам билан тўла ёшлиги шу ерда ўтади. Гўдаклигидаёқ аввал онаси, сўнг отасидан ажралган Тарас етимликнинг азоб-уқубатларини бошидан кечиради:

Яшаш оғир, яшаш оғир
Бу дунёда етимга.
Аччиқ қайғу-аламлардан
Рози бўлар ўлимга!

Польшада бошланган инқилобий ҳаракатдан чўчиган помешчик крепостнойлари билан Петербургга кўчиб кетади. Шевченко бу ерда атоқли украин рассоми И. Сошенко, у орқали машҳур рус рассом ва шоирлари — В. Григорович, К. Брюллов, А. Венецианов, В. Жуковский, украин ёзувчиси Е. Гребенка билан танишади. Улар украин йигитидаги фавқулодда катта талантни сезиб, уни озод этишга киришадилар: помешчик қўйган шарт — 2500 сўмни тўлаб 1938 йилнинг 22 апрелида Тарасни крепостнойлик исканжасидан озод қиладилар...

1840 йили Т. Шевченконинг илк шеърий тўплами — «Кўбузчи» нашр этилади. Миллий адабиётда янги давр очган бу тўплам адабий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Меҳнаткаш халқ ёш шоир сиймосида ўз бахти ва озодлигининг куйчисини топди. «Кўбузчи» украин инқилобий шеъриятининг янги манифести, гражданлик жасоратининг тимсоли бўлди. Адибнинг украин театри тараққиётида муҳим аҳамият касб этган «Никита Гайдай», «Назар Стодоля» драмалари озодлик руҳи билан суғорилган. Рус адабиётининг илғор анъаналари руҳида ёзилган «Бенди», «Туш» асарлари ҳам мавжуд тузумни аёвсиз фош этгани туфайли украин адабиётининг ноёб дурдоналаридан саналади.

1845 йил Т. Шевченко Петербург Бадиий академиясини битириб Ватанига қайтгач, Киев археологик комиссиясининг топшириғига биноан, Украинанинг шаҳар ва қишлоқларини айланади, кишиларнинг ҳамон оғир аҳволда яшаётганлигини кўради. Бу давр шоир ва рассом ҳаётида бурилиш йиллари бўлди. «Даҳрий», «Кавказ», «Васият» сингари ажойиб шеър ва поэмалари шу даврнинг маҳсули. Шоир меҳнаткашларга хитоб қилиб: «Курашга отланинг, енгиб чиқасиз», дейди. Шоирнинг программ асарларидан бири «Васият»да эксплуататорлар тузумини ағдариб ташлаш тўғрисидаги жанговар чақириқ баралла жаранглади:

Кўмингу кўзғанг исён,
Кишанлар кул-кул бўлсин,
Эрк жангида душманнинг
Қора қони тўкилсин.

1847 йили Шевченко қамоққа олинади. Инқилобий руҳдаги ташкилот ишида қатнашганлиги, «Уч йил» шеърлар тўпламининг қўлёзмаси, «Туш» поэмаси қамалишига сабаб бўлади. Чор ҳукумати «Қатъиян назорат остига олинсин, ёзиши ҳам, расм чизиши ҳам ман этилсин!» — деб буйруқ беради.

Инқилобчи шоир узоқ Оренбург чўлларига сургун қилинади. Кейин Кўс Орол, Манғишлоқ ярим оролида сургун муддатини ўтайди. Шевченко сургундалигида кўплаб расмлар чизади, шеърлар, йигирмага яқин повесть ёзади. Повестларида революцион-демократик ғоялар, крепостнойликка қарши мотивлар кучли ифодаланган.

Т. Шевченко ниҳоят 1857 йили тутқунликдан қутулади, аммо пойтахтда яшашга рухсат берилмагани туфайли бир йилгача Нижний Новгородда туришга мажбур бўлади. 1858 йилдагина Петербургга боради. Шоир пойтахтга келгач, машҳур революционер-демократлар ва адиблар — Чернишевский, Некрасов, Добролюбов, Тургенев, Л. Толстой, М. Вовчок билан учрашади, қизғин ижодий ишга берилади.

Шоирнинг яқин дўстлари 1861 йилнинг 9 мартида хаста Шевченко туғилган кунни нишонлайдилар, эртаси куни эса улуғ шоир вафот этади.

Шевченконинг айрим шеърлари инқилобдан илгари ҳам юртимизда маълум эди. Лекин улуғ шоирнинг ўзбек тилидаги илк шеърий тўплами 1939 йили — шоир туғилган куннинг 125 йиллиги арафасида «Кўбузчи» номида босилиб чиқди. Шунингдек, ўзбек ёзувчиларининг Шевченко ҳақидаги шеър, поэма, ҳикоя ва очеркларини ўз ичига олган «Тарас Григорьевич Шевченко» китоби нашр этилди. Унда Воҳид Зоҳидовнинг шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги «Буюк Шевченко» мақоласи, Амин Умарийнинг «Чўлда» шеъри, Холид Расулнинг «Тарас» поэмаси, Ҳусайн Шамснинг «Дарбадар ёшлик» ва «Талантнинг баҳоси» ҳикоялари, П. Турсуннинг «Тарас Шевченко» очерклари жой олган.

Т. Шевченко шеърларининг энг моҳир таржимони Ҳамид Олимжон эди. Ҳамид Олимжон «Васият», «Кичкина Марьянага», «Бир замонлар ўйнашиб ўсган...», «Гар бўлмаса бир кулбахонанг...», «Музика чалинар, чароғон ҳарён...», «Орқасида тангри эшигин...» каби шеърларни муаллиф услубини сақлаган ҳолда таржима қилган.

Тарас Шевченко ҳамиша бизнинг ўлмас замондошимиз бўлиб қолади. Чунки у ўз даврининг оташин ва толмас арбоби эди. Улуғ санъаткорнинг бутун ҳаёти кишиларга фидокорона хизматнинг ажойиб намунасидир.

Раҳматулла ИНОҒОМОВ,
филология фанлари кандидати

Т. Г. ШЕВЧЕНКО

Ҳавас қилма сармоядорга,
Ҳавасларнинг сабил қолади.
Дўстликни ҳам, муҳаббатни ҳам
У ақчага сотиб олади.
Ҳавас қилма қудратли зотга,
У барчага ўтказар зуғум.
Донгдорга ҳам ҳавас айлама,
Донгдорнинг ҳам аҳволи маълум.
У билади, одамлар асло
Хуш кўрмагай асл сийратин.
Донгдор зотнинг ўзини эмас,
Севадилар фақат шуҳратин.
Бамисоли жаннатдаги ҳур
Ювошгина юришар ёшлар.
Бир қарасанг, қовушгандан сўнг
Улар ҳам ўз ғалвасин бошлар.
Одамларга ҳавас қилма ҳеч,
Олам кезиб излама жаннат.
На заминда ва на осмонда
Тополмассан сен уни ҳеч вақт.

* * *

Тутқунликда яшайман танҳо,
Биронта ҳам ҳасратдошим йўқ.
Ўз ўйларим ичра мен адо,
Сўзлашарга суҳбатдошим йўқ.
Ахтараман парвардигорни,
Дуч келади нуқул бошқалар.
Йиллар эзди мендай абгорни,
Бошим узра кулфат тош қалар.
Баҳоримнинг қутлуғ чоғига
Соя солди булутлар хира.
Эсламоққа гоҳи-гоҳида
Топилмайди ёруғ хотира.
Юпанч керак дилимга, аммо
Бир мулойим сўз менга, қани?!
Ҳолим шудир: қор кўмган гўё
Ҳали совимаган мурдани.

Абдулла ОРИПОВ таржималари

ҚУЮНЧАҚ ГАЗЕТХОНЛАРДАН ХАТЛАР

ЭЪТИБОР КЕРАК

Баҳсга доир материалларни ўқиб, ўйланиб қолдим: хўш, район газеталарида очеркнинг аҳволи қандай? Журналист сифатида, район газетасидаги иш тажрибаларимдан келиб чиқсам, бу масалада аҳвол мақтарли эмас. Негаки, район газеталарига қўйиладиган талаблар: газетанинг ҳар бир сони район ҳаётининг барча томонларини қамраб олиши зарурлиги, географик жиҳатдан материалларнинг хилма-хиллигини таъминлаш шартлиги очерк ҳажмига салбий таъсир кўрсатади. Очерк табиатан каттароқ ҳажмни талаб қиладиган жанр, уни сунъий равишда қисқартириш асар савиясига путур етказади.

Айрим ҳолларда, ҳатто район газетаси форматида бир саҳифалик очеркка ҳам қаршилик кўрсатадилар, гўё бу нотўғри практика эмиш. Баъзи раҳбарлар эътироз билдириб: «Бу ташкилот (ёки қаҳрамон, бирор-бир муаммо) ҳақида шунча жой ажратилибди, нима, бошқалар ишламаяптими», дейдилар.

Район газеталарида очерк жанрининг «оқсаётгани»га бошқа сабаблар ҳам бор. Мавзу ва мазмуни, ёзилишига кўра айнан ўхшаш материалларнинг сондан-сонга кўчиб юриш ҳоллари, бошқа газеталардан кўплаб кўчириб босиш, салмоқдор очерклар босилишига йўл бермаётир.

Баҳс баҳонасида биз — газетачиларнинг севимли журнали «Мухбир» — «Корреспондент»га айрим истакларимизни айтмоқчиман. Журнал республикамиз матбуот органларида эълон этиб борилаётган очерк ва публицистик асарлар таҳлилига кенгроқ ўрин ва эътибор берса яхши бўларди.

Урозмат ЯХШИМУРОДОВ
Янгибозор райони

ҲАЁТ ТАЛАБИ

Маълумки, мунозара журналист Норқул Ҳайитқуловнинг талабчанлик руҳида ёзилган мақоласи билан бошланди. Н. Ҳайитқулов биз — журналистика факультети студентларига, айниқса, қишлоқ хўжалигининг тараққиёти билан боғлиқ долзарб муаммоларни кўтариб чиққан проблематик очерк ва мақолалар муаллифи, жанговар публицист сифатида яхши таниш.

Мақола, хабарлар машқ қилиб юрадиган бир талаба билан суҳбатлашиб қолдик. Суҳбатда мен очерк жанрида машқ қилиш қийинлигини айтдим. У бўлса бепарволик билан деди: «Мен ҳам илгари шундай деб ўйлардим. Энди билсам, очерк ёзишдан осони йўқ экан. Хабарингиз бор, матбуотда бир неча очерким чиқди. Бўлим мудири: «Очерк бизда камроқ, сиз кўпроқ шу жанрда ёзиб келинг — албатта чиқарамиз», деди. Сиз, очерк ёзиш жуда қийин, деб ўтирибсиз. Ундан кўра, нима бўлса ҳам, киши ёзган материалини тезроқ чиқаришга ҳаракат қилиши керак».

Н. Ҳайитқулов «очерк — шунчаки машқ майдонига айланиб қолган», деганида шу каби ачинарли ҳодисани кўзда тутган бўлса керак. Ўйлаб кўрилса, айб фақат студентда ҳам эмас. Ахир, унинг «очерк»ларини чоп этган газетадаги масъул ходимлар жанр тақдирига, талабанинг келажагига лоқайд қарамасликлари лозим-ку!

Тўғри, баъзи газета ходимлари ёшларни газетага қатнашишга қизиқтиришади, жалб этишади. Бир, икки материалини чиқариб ҳам берадилар. Аслида эса ҳаваскорни фақат матбуотда кўриниб туришгагина қизиқтирадилар, холос. Агарда, уни ёзиб туришга қизиқтиришдан ташқари, очеркчининг вазифалари билан ҳам мукаммал таништириб, очеркнинг қанчалик масъулиятталаб жанр эканини яхшилаб тушунтирсак, ҳаваскор ҳам нима ҳақда ёзаётганини дурустроқ ўйлаб кўрган бўларди.

Шу ўринда менинг «Очерк ўгай жанрми?» мақоласи муаллифига саволим бор: «Сизни область газетаси редакторининг ўринбосари, деб эшитганман. Кейинги пайтда очеркнинг камайиб кетганлиги, бори ҳам қай аҳволда чиқаётганлигини жуда ҳаққоний ёзибсиз. Лекин танқидни киши ўз-ўзидан бошлагани маъқулроқ эмасми? Сиз хизмат қилаётган газетада аҳвол қандай? Шахсан сиз (ахир, Сиз ҳам газетанинг масъул кишисисиз-ку!) очеркнинг яхши ёритилиши учун, очерк жанрининг «машқ майдонига» айланиб қолмаслиги учун қандай чоралар кўраётирсиз?»

Бу фикрларни айтишимнинг сабаби шуки, марказий газеталардан кўра, область, район газеталари қишлоқларга яқин, қишлоқ хўжалиги ҳаёти уларда кўпроқ ўз аксини топади. Менингча, очеркчилик савиясини кўтаришни аввало район, область газеталаридан бошлаш маъқулроқ.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, баъзан учраб турадиган саёз қисса ёки роман ўрнига замонамиз учун муҳим, муайян соҳанинг муаммоларини кўтариб чиқадиган етук очерклар заруроқдир. Ҳаёт талаби ҳам шу.

Солиҳа НАЗАРОВА,
ТошДУ студенти

— Байрамингиз қутлуғ бўлсин! С. МАҲКАМОВ фотоси

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

Октябрь инқилобидан кейин қорақалпоқ халқининг ҳам елкасига офтоб тегди. Қорақалпоғистон халқ хўжалигининг турли жабҳаларида, фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳаларида улкан муваффақиятларга эришди. Халқ ёппасига саводхон бўлди, етук шоирлар, ёзувчилар, олимлар етишиб чиқди, миллий адабий тил ривожланди, реалистик бадиий адабиёт шаклланди, янги адабий тур ва жанрлар қарор топди, журналистика, нашриётчилик, радио, телевидение тараққий этди. Хуллас, қорақалпоқ халқи ҳар жиҳатдан камолот йўлига кирди. Тўрт жилдлик «Қорақалпоқ тилининг тусиндирме сўзлиги» («Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғати») фундаментал асарини нашр қилишга киришилгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

«Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғати» Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиалининг Н. Довқораев номидаги Тарих, тил ва адабиёт институти олимлари томонидан Автоном Республиканинг 60 йиллигига бағишлаб тайёрланган. Изоҳли луғат қорақалпоқ лексикографияси тарихида илк тажрибадир. Унда қорақалпоқ адабий тилида кўп қўлланилаётган 20000 га яқин сўз изоҳланади. «Қорақалпоғистон» нашриёти чоп этган 1-жилдда эса 6193 лексик бирлик изоҳлаб берилган. Изоҳли луғатни тузишда Тарих, тил ва адабиёт институтининг луғат ва терминология бўлими илмий ходимларидан Р. Есемуротова, М. Қаландаров, А. Қидирбоев, А. Тўрабоев, Қ. Давлатбоев, Д. Сайитов, У. Емберганов, Б. Бекетов, Р. Жапақова қатнашган. Луғатдаги сўзларни изоҳлашда халқ оғзаки ижоди намуналари, қорақалпоқ адабиётининг ўтмишдаги ва ҳозирги замон вакилларининг асарлари, газета-журналлар ва бошқа нашрлардан кенг фойдаланилган.

«Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғати» Автоном Республика фанининг ажойиб муваффақиятидир.

М. ХОЛИҚУЛОВ

Музайяна АЛАВИЯ

ЯХШИ ОДАТ ЗИЙНАТДИР

Максим Горький айтганидай, халқ ҳаётига сингиб кетиб, ўзида эстетик тарбия сифатларини кашф этган урф-одатлар умумхалқ маданиятининг шаклланишига таъсир этади. Бундай маданиятнинг асл ижодчиси ҳамиша халқнинг ўзидир. Халқ заковатидир. Сонсиз, саноқсиз наслларнинг тажрибасидир.

Шулардан бири халқимиздаги меҳмон-мезбончилик расму одатларидир.

Шоира Нодира ва Увайсий ҳақида илмий-тадқиқот ёзаётган Маҳбуба Қодирова ва Эътибор Иброҳимова билан Андижонга борган эдик. Марҳамат районида истиқомат қилувчи Увайсийнинг чевараси 88 ёшли шоира Мағзий (Холжон отин) биз билан ўрнидан туриб саломлашди ва:

Марҳабо, эй дўстлар,
хуш келдингиз,
Тан уйига мисли жон
хуш келдингиз,
Садқа бўлсин бошингиздан
молу жон,
Жондан ортиқ меҳмон
хуш келдингиз,

— деб, шеър ўқиб, қаршилади. Одат бўйича мен ҳам Увайсийдан байт ўқидим. Кейин бизни ўтиришга таклиф қилди. Сандал атрофида яйраб суҳбат қурдик. Шоира йўқлаб келганимиз, Увайсий шеърларини билганимиз учун беҳад хурсанд бўлди, унутилган хотиралар жонланди. Бир кун деб, уч кун қолиб кетдик. «Одам одамга ғанимат, яна кўришамизми-йўқми», деб рухсат бермадилар. Бунга ўзимиз ҳам талабгор эдик. Ҳозиргача соғиниб эслаймиз. Қайта кўришиш насиб этмади.

Фақат ўзни ўйламай, кўпчилик ҳақида ҳам жон куйдирувчи кишилар эл орасида қадр топади, ўрни сезилиб туради. Киши жамиятда бир ўзи яшамаётганини, атрофида кўп ажойиб дўстлар, ўртоқлар борлигини ҳамиша ҳис этиши керак. Улар бир мақсад йўлида келажак учун хизмат қилаётганларини доимо ёдда тутишлари шарт. Яхши одамларнинг яхшилиги яна шундаки, ҳар кимни ўзидай билиб, ундан пок ҳислатлар ахтаради. Мана шу хислатлар кишига дўстликдан хабар бериб туради.

Олижаноблик билан ёзилган неъмат дастурхони атрофида дўстлар билан бўлиш ҳам меҳмон, ҳам мезбон учун лаззатли.

Меҳмондорчилик пайтида оила аъзоларининг хатти-ҳаракати, мулойим очиқ чеҳраси, бир-бирига товушини кўтариб қаттиқ гапирмаслигини айтинг. Ҳатто, бешик, беланчак қаттиқ тебратилмайди. Эшик қаттиқ ёпилмай, оёқ дупури, идиш, коса, товоқларнинг шақир-шуқир товушини чиқармасликка ҳаракат қилинади.

Меҳмоннинг ҳам, мезбоннинг ҳам мамнунлиги билиниб туриши керак. Бунинг учун энг ёқимли иборалар билан, иложи бор бўлса шеър, қўшиқ, соз ҳам хизматга келади. Фарғона водийси ва Хоразмда меҳмонни, айниқса, созу сўз билан хурсанд қилиш одат тусига кирган.

Агар мезбон томонидан «яхши кутолмадим, пиширган таомларим кўнгилдагидай бўлмади» каби гаплар айтилса, меҳмонга малол келади... Ўзбекистон районида ўқитувчи Отажоновнинг уйида меҳмондорчиликда эдик. Саккиз яшар ўғли мактабга кетаётганда қўлимга бир даста райҳон тутди. Назаримда, бу ширин боланинг кулиб кириши уйни ёритиб юборгандай бўлиб, менигина эмас, ҳаммани хушнуд қилди. Ахир биз оналарнинг хурсандлигимиз бола билан-да!

Меҳмоннавозликда қиз ва келинлар оёқ кийимларни тартибга солиб, чанг, лой бўлса тозалаб қўйишлари, айниқса, қари, ёши улуғларни шодлантиради. «Бахтингни берсин», «Қўшганинг билан қўша қари», «Умри жонингдан барака топ» деган олқишлари уларни қушдай енгил қилиб, ҳар қандай хизматни елиб-югуриб бажаришга отлантиради. Шунинг учун айтадилар-да: «Бировга берган фойданг, энг аввал ўзингнинг фойданг».

Ҳаммага маълумки, киши қартайганда кўз яхши кўрмайди, қулоқ ёмон эшитади. Тик туриш қийин бўлганидай, эгилиб-букилиш ундан оғирроқ:

Қарилик дарди бедармондур охир,
Бу иш кўнглимда кўп армондур охир.
(Навоий)

Киши сўзлаётганда сўзини бўлма. Ёнингдагини туртиб сўйлама, пичирлашма, катталардан олдин таомга қўл чўзма, бошқанинг луқмасига қараб турма. Суюқни шапиллатмай, хўриллатмай ич. Ота-она боласига овқатланиш маданиятини бошдан ўргатгани маъқул.

Шошмай, тўкиб-сочмай, қўл, кийим, сочиқни ифлос қилмай хурсандлик билан овқатланиш ҳам бир санъат. Юриш-туришда, кийинишда, одамлар билан муомалада, айниқса меҳмоннавозликда, жамоат, коллектив ичида ўзини тута билиш энг юксак маданиятдир.

Дўст бошига мусибат тушганда қайғудош бўлиб, азадорларга тасалли бериш, вақтинча ўйин-кулгу қилмаслик инсон ҳурмати учундир.

Умуман, барчага хуш кўринадиган мақбул ва маъқул хислатларни ўзига одат қилиб олиш инсонга, ҳаётга бўлган чексиз муҳаббатдандир.

Ақлу идрок, зеҳну зако эгаси бўлган инсон кишилардаги ёқимли хислатлар гўзаллигидан, уларнинг кўпчилик манфаатига қаратилганлигидан ҳамиша баҳраманддир.

Гулчеҳра ЖУРАЕВА

ҚАНИ ОТЛАН, ШЕЪРИЯТ!

Океаннинг ортидан ўрлади қора булут,
Нурни ўлжага олиб қанотин ёяр бургут,
Қани шеърим, ўғлоним, қуёшдан ясаб қилич,
Оқ кабутар пойида қасоскор қасаминг ич.

У одамхўр бургутлар бизга таниш азалдан,
Миллион-миллион ватандош бошин еган газанда.
Қирқ йил бурун қанотин қарсиллатиб қайирдик,
Фашистлар чангалидан ҳур дунёни айирдик.

Чоркалла аждаҳодек у яна жон олибди,
«Оқ уй»нинг пештоқига қора уя солибди.
Улим ортиб учмоқда Оврупо бўйлаб соя,
Аслаҳадан уяркан ўзига баланд қоя.

Наҳот қонга ташналар, тушунмоқни истамас,
Ки халқлар истагидан ул қоя юксак эмас.
Аҳли жаҳон заминни балодан қутқармоққа,
Еттидан етмиш яшар башар қалқди оёққа.

Қани, отлан шеърият, бўлсанг агар чиндан шеър,
Сўзларни-сўзга уриб, чақмоқдан чиқар шамшир.
Ҳамид Олимжон қони томирингда шиддаткор,
Ғафур Ғулом журъати сенга бўлсин мададкор.

Зора қўшиқ янграса, тўплар сақласа сукут,
Ливан ариқларидан қон эмас, оқса оқ сут.
Нилуфардек Гренада жолага бўлмай орол,
Шум бургутни қулатса Ҳақ номли эзгу қурол.

Қани отлан, шеърият, қуёшдан ясаб қилич,
Инсон қалби куррасин мардона забт этиб уч!

ЯШИЛ ГУЛ

Бу гулзор муқаддас—талъати табиат,
Ёнади шам бўлиб гулларнинг шуъласи.
То тирик экансан—у сўнгсиз бир журъат,
У ширин изтироб, тириклик муждаси.

Бу гулзор—камалак рангларга тўладир,
Гунафша, гулоби, лаъл, зангор, нофармон.
Бу гулзор бўйлари анбарга тўладир,
Фироқдан йироқда кўнгиллар беармон.

Бу ерда ранглар хўб имлашар ўзаро,
Бу ерда бўйлар ҳам ўзаро бўйлашар.
Кўзгудай соф чашма окаркан ҳис аро,
Бу ерда муҳаббат сеҳрли сўйлашар.

Не афсус, чаманда йўқ яшил ранг чечак, —
Қимнингдир севгиси қачондир келажак.

ТЕАТРДАН СЎНГ

Парда очилгунча, қисқа фурсатда,
Олифта ёшларни қилдим томоша.
Қалта соч, шим кийган қизлар ҳайратда:
Йигитлар соч қўйган елкадан оша.

«Уғил бола» қизлар ғашимга тегар,
Сигарет тортишдан тоймас эҳтимол.
«Қиз бола» йигитга оҳ, эсиз камар,
Сақич чайнамоқдан борми ўзга ҳол?

Томошадан қайтиб ухладим нохуш,
Ажабо, кўрибман алламбало туш:
Жамила Сибирга сургунмиш, ёҳу...
Ғофир фарёд чекар ичганча оғу.

Чўчиб уйғондим мен ёқамни ушлаб,
Ёстиғим тагига тишлам нон ташлаб.
Начора, кўзларим илиниб қопти,
Яна туш ўзининг маҳрига опти:

Балетда даст тутиб гўёки гўдак,
Қизлар йигитларни этар чирпирак.

Тўшакдан отилиб тўйиб ичдим сув,
Босқондай юрагим қиларди ғулув.

Юрагим ҳовучлаб яна юмсам кўз,
Фожеий оламга тушибман шу кез:
Отелло тўлғонур қора тўшакда,
Ялинар-ёлворар илтижо ила:

— «Сабо»нинг чангини артдим ўшанда,
Сўнг қайга отганим билмасман, ўлай.
— Рўмолча!—ўшқирар Дездемона бот.
— Рўмолча, қани у, қани у, ҳайҳот!

— Қанизак олгандир балки маликам.
— Эвоҳ, бу кўргилик менгамиди кам,
— Йўқ, чидолмайман, чидолмайман ҳеч,
Яхшиси, ҳаётдан, қора араб, кеч!

Дедию эрини бўғзидан тутди,
Дездемона рашкнинг ўтидан ўтди.
— Ер-д-а-а-мм, — деганимни биламан,
шу чоқ
Уйқудан уйғотди мени қўнғироқ.

Шоиралар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Эътибор Охунова ва Гулчеҳра Жўраева.

Лидолия НИКИТИНА

ЛИРИК ЭТЮДЛАР

БЎЛҒУСИ КИТОБ ҲАҚИДА

Бўлғуси китоб ҳақида ўйлар эканман, худди унинг саҳифаларини бирма-бир варақлаётгандек бўламан.

Янги ёққан қорда юргандай авайлаб қиламан бу ишни.

Бўлғуси китоб ҳақида ўйлар эканман, одамларга ғамгуссада, муҳаббатда ва одатий хушчақчақликда зарур бўладиган ягона сўзни юрагимдан қидириб топгандай бўламан.

Бўлғуси китоб ҳақида ўйлар эканман, хаёлан унинг саҳифаларини бирма-бир, шилдиратиб варақлайман. Фақат бир нарсада тонг қоламан: орзу-ўйим бу саҳифаларнинг қайси бирида ниҳоясига етади...

СЎЗ

Шундай сўз борки, уни на қоғозга ишониб бўлади, на каравотнинг бош томонига тақалган деворга шивирлаб.

Юрагингда жимгина яшаётган шундай сўз борки, ҳали у гўдак, ҳимоясиз. У ёлғиз ҳокимликнигина ҳис этади. Лекин бу ҳокимлик туйғусини бесаранжом кўзлар ҳам, қаттиқ қисилган лаблар ҳам, гурзидай залворли муштлар ҳам бостиришга қодир эмас.

Ахир менда бундан бошқа кучсизроқ сўз бўлмаса, қандай жим тура оламан?!

ИЛҲОМ

Илҳом!

Унинг шиддаткор қуввати гулханга ташлайди одамни. Инкивизициянинг золимона қийноқлари исканжасидан олиб ўтади. Бунга бардош бера олган ижодкор етти ухлаб тушида кўрмаган тошқин ғайрат сезади ўзида.

Илҳом!

Бу шундай парвозки, ерга қайтганингда товонларинг узоқ вақт унинг қаттиқлигини сезмайди.

У — бани башарга чексиз ишонч, тафаккур ва амалдаги ҳақиқат. Унинг кўмагида фикран тарқоқ кишиларни маслакдош кишиларга айлантириш мумкин.

Илҳомдан яралган руҳнинг ҳомиласигина башарнинг мангуликка ҳозирлаган ягона мандатидир.

ҚАЛБИМ ҚУШИ

Билмадим, қайси қўшиқ, мактуб, шеър сатри, она Ер гўзаллигидан — қандай мантиқсиз лоқайдликдан бино бўлди экан қалбимдаги бу қуш?

Полапонлигида унга уйимиз теварагидан бир қаричгина ер ҳам кифоя эди.

Энди эса бу ер ўсиб улғаяётган қушчага йил сайин кичрайиб, торлик қила бошлади. Гўё пўртаналар океан қирғоқларини емирмоқда эди.

Ниҳоят, қанот қоқиб парвоз қилиши учун само ва ер оралиғи зарур бўлган кунда — мен уни эркинликка қўйиб юбордим.

Учиб кетди менинг қушчам...

Бўм-бўшлиқдан юрагим сиқилди, оғирлашди.

Оҳ, нега мен мурувват кўрсатдим бу қушга?

Т. МАНСУРОВ таржимаси

Манзура ЭГАМБЕРДИЕВА

ХАЛҚ ОҲАНГИДА

Йўлларингда гирён бўлсайдим,
Бўйларингга қурбон бўлсайдим.
Фироқингда ўртанди жоним,
Келгунингча омон бўлсайдим.

Қошинг яна қаро ранг тортар,
Кўзларингнинг жодуси ортар.
Савдоларда қолган бошима
Яна қандай ғавғони ортар.

Бағримни ё чок-чок этайми,
Сендан кечиб йироқ кетайми,
Куймай дея энди доғингда,
Кўзларимни юмиб ўтайми?

Кўрмай десам чидаб бўлмайди,
Сенсиз сира кўнгил тўлмайди.
Азобидан қутулай десам,
Бедаво дард ортар, ўлмайди.

Сени кўрдим—кўзларим куйди,
Сўзлай десам—сўзларим куйди.
На ортимга қайта олгайман —
Йўлларингда изларим куйди.

Йўлларингда гирён бўлсайдим,
Бўйларингга қурбон бўлсайдим.
Фироқингда ўртанди жоним,
Келгунингча омон бўлсайдим.

ЁНГИНАМДА ҲИС ҚИЛМОҚ УЧУН

Сенинг суратингни
чизмоқчи эдим —
Сени доимо
Ёнгинамда ҳис қилмоқ учун.
Лекин
Ранглар тополмадим
сенга муносиб.

Сен ҳақингда
Қўшиқ куйламоқчи эдим —
Сени доимо
Ёнгинамда ҳис қилмоқ учун.
Лекин
Оҳанг тополмадим
сенга муносиб.

Сенга атаб
Шеър битмоқчи эдим —
Сени доимо
Ёнгинамда ҳис қилмоқ учун.
Лекин
Сўзлар тополмадим
сенга муносиб.

Сўнг...
Сенинг ҳузурингга келдим —
Сени доимо
Ёнгинамда ҳис қилмоқ учун...

Эътибор ОХУНОВА

МУҲАББАТНИ...

Муҳаббатни
Солиб бўлсайди вазн, қофияларга.
Сингдириб бўлсайди уни
Таърифларга, мадҳияларга.
Афсус қоғозларга
Ураб бўлмайди-да у чўғни.
Севги тан олмайди, танимайди
Юрагида пок ишқи йўғни.
У — дур юрак денгизининг
Тубларида туғилар.
Уни сопол билан тенглар
Ана шундай ноёб жавоҳири йўғлар.
Юрак—хазинадир,
Азиз туйғу унинг бисоти.
Хазинабони биз
Кўздай асрай билсак ул жавоҳиротни.
Муҳаббатни солиб бўлсайди вазн,
қофияларга.
Сингдириб бўлсайди уни
Таърифларга, мадҳияларга.
Биз уни юрак биллурдай
Чил-чил синганида биламиз.
Биз уни оловларга ташлаб атай
Ёниб-ёниб сўнганида биламиз.
Қай кун
Энг тоза, беғубор инсон туйғусига
Кўрдим тош отганларини.
Тошни отиб юрак кўзгусига,
Бозор очиб, гап ҳам сотганларини.
Кўрдим, майда халқобчалар
Тўсмоқчилар нурнинг йўлин
«кўллатиб»,
Билмасларки, ҳар томчида
Қуёш акси, суврати...
Уша қуёшни мен ёзолмадим,
Чизолмадим рангин бўёқларда.
Фақатгина кўз ёшини кўрдим
Шудринглар қалқиган гул, гиёҳларда.
У—қўш орзуларим қанотига айланди,
У ўт солди армонларим бағрига
Ёниб-ёниб у гулхан... айланиб қолди
Қаро кўзларимнинг рангига.
Мени у ёнишларга ўргатди,
Ургатди ишқсизларни қоралашга.
Ургатди у енгишларга ғурбатни,
Мана шундай ҳасадларни поралашга.

ҚИЗ УЗАТДИК...

Сиз туғилган ота уйи букун мана тўйхона,
Сиз ўстирган ўсмалардан сув ичибдир қошлар ҳам.
Сиз супурган ҳовли букун машъалхона, куйхона
Шералибек соз олибдир... демак эрир тошлар ҳам.
Сочларингизни ювсангиз, тилло суви айлансин,
Мен келтирдим келинчакка иқбол деган кўзгуни.
Отасининг белларига кумуш камар бойлансин,
Онасига бисёр қилсин меҳр деган туйғуни.
Келинчагим наргис гулин ифоридай байтим бор,
Сизни Наргис хаёлидай харирликка ўрайман.
Мен онангиз ўрнига ҳам юрагимни айтдим зор,
Сиз борган уй остонасин қутли, нурли кўрай мен.
Аҳвол сўрай, оппоқ-оппоқ тилакларга айланиб,
Жавоб айланг қувонч ичра, ойлар каби тўлишиб.
Уша Норғулингиз билан бир умрга бойланиб,
Яйраб юринг одамларга севинчингиз бўлишиб.
Сизни кўрай, онангиздай мунис, иссиқ бағирда,
Сизни севсин отангиздай муҳаббатли, ўт юрак.
Дерлар, остонаси олтин уйнинг томи сабрдан
Сизнинг ақл-идрокингиздан уйга устун керак.
Сувлар келса симирарсиз, тошлар бўлса кемириб,
Бу ҳаётнинг, бу жуфтликнинг қомусидир ёзилган—
Сиздаги ишқ ғолиб ўтсин, ғамлар келса емириб,
Қиз боланинг зуволаси ана шундай узилган.
Ўз онангиз ая, қайнонангиз дейсиз аяжон,
Шундай бошланади турмуш китобининг илк боби.
Ҳаёт—бир мамлакат, тўла имтиҳону ҳаяжон,
Таъзимда турган келинлар шу ўлканинг офтоби.
Сизга турфа тилаклардан келтирганман даста гул,
Бир Гул бўлиб боринг дейман, баҳор кутган
ул боққа.
Ободликлар бўлиб боринг, яшнаб кетсин
саҳро, чўл,
Сиз айланинг ўшал боғда пориллаган чироққа.

Венера ИБРОҲИМОВА

●

Оппоқ тонг отмоқда, ниятимдай оқ,
Ёркин умид билан кутиб оламан.
Салом бериб хосиятли тонгларга,
Қалбимга режалар завқин соламан.

Истайман, қуёшнинг заррин нурлари
Ёритса кечаги тунд кўнгилларни.
Араз туманлари кетса тарқалиб,
Яна равшан этса маҳзун дилларни.

Интизор хат кутган ошиқ юракнинг
Дардли кунларига малҳам бўлса у.
Юртга тўй бераётган хонадонда
Энг бахтли кун бўлиб мангу қолса у.

Тонгларни пок ният билан кутаман,
Қуёш нурларига қалбим тутаман.

●

Мен сизни барибир севганим севган,
Насиҳат, койишлар бари бефойда.
Ғийбатлар бағрини тилганим-тилган,
Бахт пешвоз чиқади сиз бўлган жойда.
Маъюс юрагимга энг яқин ҳамдард,
Мустаҳкам бир таянч сизнинг ўзингиз.
Шону шуҳратлардан минг бор зиёда,
Самимий айтилган илиқ сўзингиз.
Чангалзор ичида қолган бир гулнинг
Дардини тушунмоқ буюк бир савоб.
То юрак ураркан тонг нури билан
Яшарман мен сизни этганча тавоб.



Нодира РАШИДОВА

ДЎСТИМГА

Юрагимга қурқув билан қулоқ соламан,
Юрагимнинг тепишида зил равонлик бор.
Бутун олам зангларини уриб чаламан —
Керак эмас ахир менга ҳали лол виқор.
Керак эмас менга ҳали ҳузур-ҳаловат,
Керак эмас менга ҳали босиқ сипоҳлик.
Дўстим, кел-да юрагимни ўзинг оловлат,
Ахир сенинг қўлингда-ку бор илоҳийлик.
Юрагимга солиб кўргин дарду-ғам ҳисин,
Муҳаббатнинг учқунини солиб кўр, дўстим,
Ахир кўзим кўрса ҳамки навбаҳор ҳуснин,
Юрак қурғур топаётир унинг кам-кўстин.
Уша ёшлик йилларимга қайтаролсанг бас,
Бас, ёшлигим жозибасин, завқин беролсанг.
Ахир қўшиқ яратишдан юрак-ку толмас,
Дўстим, унда тўлқин каби, мавж каби қолсанг.

Зулфия МУМИНОВА

✦

Менинг қўлларим калта,
Жуда калта.
Киприкчалик бўлолмас улар,
Сенинг киприкларингга тегиб турган
Бир жувоннинг кипригича келолмас улар.

✦

Чирқиллар эди вақт ортидан соат,
Йиғладим. Бир нима дегин сўнг дафъа.
Сен на кўз ёш тўкдинг, на чекдинг фарёд,
Дединг: «Энди менга тўрт томон қибла».
Кетдинг. Кета туриб сўнг бор қарадинг,
Бу қараш мунгида синиб кетди сўз.
Пойингга чўзилди сезиб дил дардинг,
Япроқлар бўғзида инграётган куз.
Кетдинг. Қаро тунда бош олиб кетдинг,
У борган манзилинг шунчами олис?
Ёки ёлғиз ўзинг самога етдинг?
Бунда мен, заминда яшайман ёлғиз...
Ҳамон вақт ортидан чирқиллар соат,
Зулмат чангалида сўниб борар шам.
Мен узун йўллардан тинглаб ривоят
Сенга кун тилайман Энг Олис Одам.
Фақат ой уйимдан ўтганда ҳар тун,
Ё қуёш оҳ чекиб чўккани дафъа
Олис садо келиб қилади тутқун,
Унда қақшаб дейсан: «Тўрт томон қибла...»

Гули НИГОР

ТУНГИ ХАЁЛЛАР

Кеч кузнинг шамоли эсмоқда яна,
Тунлари бадани жунжитар совуқ.
Шохларда япроқлар қилар тантана,
Боғларнинг бағрида сариқ ранглар лиқ.

Нозиктаъб сабонинг қаърида титраб,
Япроқлар шивирлар қулоқларимга.
Уларга босаман энтикканча лаб,
Нозланиб қўнишар бармоқларимга.

Баргчалар куйлайди, оппоқ йўлларим,
Бағрида ўйларим бўлар чирпирак.
Ёдимга тушади гўдак йилларим,
Эсланар бир қизча—йиғлоқ, жонсарак.

Ширин бир алладан ором олиб жон,
Уйқунинг олдида чўкар эдим тиз...
Япроқлар қўшиғи бу кун, онажон,
Эслатар негадир ўша аллангиз.

Учқунга айланган бир олов мисол,
Юлдузлар ёнади осмон бағрида.
Улар қўл етмаган олис, оқ хаёл,
Афсона ўқийман бари-баридан.

Мусофир шаҳарнинг кенг осмонидан,
Ҳаётнинг ғам тўла бу суронида,
Эслатиб турар у, онажон, сизни.

Самодан боқади гўё жилмайиб,
Кўзингиз ўхшайди унга жудаям.
Бошимнинг устидан ҳовуч нур қуйиб,
Бағишлар шиқаста қалбимга малҳам.

Осмонни титкилаб кезар бир жуфт кўз,
Юлдузлар бағрида титрар саволим.
Ногоҳ сесканаман, ҳу чўмич юлдуз,
Бандига урилиб кетар хаёлим.

●

Дунё сенинг кўзларингга ўхшайди,
Тубларида шеърга сиғмас маъно бор.
Дунё сенинг сўзларингга ўхшайди,
Сеҳри билан жуда-жуда улуғвор.

Сенинг қалбинг ўхшар худди дунёга,
Қувончларни, ташвишларни этар жам.
Улар баъзан ўхшаб кетар рўёга,
Шу дунёдан бир кун ажраб қолмасам!

— Байрамингиз билан табриклайман, ойнжон!

С. МАҲКАМОВ фотолари

Кайфият...

Т. ҲАМРОҚУЛОВ (Фарғона) фотоси

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Лойиҳанинг 28-моддасида «Оилага ёрдамни кучайтириш ва айни вақтда ёш авлодни тарбиялаш учун унинг масъулиятини ошириш лозим» дейилган. Бизнингча, шу моддага «Бола таълим-тарбияси устидан ота-оналарнинг жавобгарлиги оширилсин» деган сўзлар қўшиб қўйилса, тарбияда сифат ва самарадорлик ошар эди.

Ҳ. МАҲМУДОВ,
Р. УМУРЗОҚОВ

* * *

Мактабда ҳафтада бир марта тарбиявий соат ўтказилади. Лекин тарбиявий соат савияси ҳар хил бўлади. Шунинг учун ҳам айрим синфларда интизомсиз ўқувчилар учраб туради. Ҳозирги кунда кўпчилик ота-оналар эртадан кечгача ишда бўладилар. Ишдан сўнг кечки овқат, уй юмушлари ва телевизор томоша қилишга вақт топадилар-у, ўз фарзандлари тарбиясига вақт тополмай ўз ҳолича ташлаб қўйган оилалар ҳам кўплаб топилади. Шу туфайли мактабда ахлоқ дарси ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яна бир гап. Ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида 30 нафардан ортиқ ўқувчиси бўлган синфларда она тили дарслари икки группага бўлиб ўқитилса, она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг кўплаб дафтар текширишлари эътиборга олиниб, уларга енгилликлар яратилса, адабиёт дарси кўпайтирилса яхши бўларди.

Маҳбуба СУЛТОНОВА
Чиноз райони

ТУЙҒУЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети лойиҳаси ёш инсонни, яъни коммунизм қурувчисини тарбиялаш ишида биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Шу муносабат билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетасининг 6 январь сонида босилган «Ўқитувчининг қадри» мақоласини ўқиб жуда таъсирландим. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон ўз касбини севиши керак. Ўқитувчи ҳам ўз касбига, ўз фанига қанчалик меҳр қўйса, ўз ўқувчисида ҳам шу фанга қизиқиш уйғота олади. Айниқса, адабиёт ўқитувчиси ўқувчиларга адабиётнинг, Максим Горький таъбири билан айтганда, «инсоншунослик» эканини уқтириш, бадиий асардан эстетик завқлана олишни ўргатиш, уларда яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нафрат туйғуларини шакллантириши керак.

Тасаввур қилиб кўринг-а, маълум бир фанни мустаҳкам эгаллаган, уни «сув қилиб ичиб юборган» шахс, борингки, бир олам бўлса-ю, аммо унда гўзаллик, эзгулик, муҳаббат ва нафрат туйғуси бўлмаса...

Яна бир гап ўқитувчининг оддий, ҳамма учун зарур бўлган саводи ҳақида. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти қошида малака ошириш курси бор. Ана шу курсда таҳсил кўраётган ўқитувчиларнинг ёзган ишларини кўриб ҳайрон қоласан киши. Уларнинг кўпчиликлари математиклар ва физиклар бўлиб, айримлари тилимизнинг оддий имлосидан ҳам яхши хабардор эмаслар. Нега шундай, деб сўрагудек бўлсангиз, улар «ўз фанимизни яхши билсак бўлди-да», қабилида жавоб беришади. Ўқитувчи аввало ўз она тилини мукаммал билиши зарур.

Шоира ИСАЕВА

КИТОБ—ДЎСТ

Инсоннинг маънавий шахс сифатида шаклланишида мактаб пойдевор ролини ўтайди. Етуклик аттестати олган ўсмирга ҳаммамиз ҳавас билан қарашимиз табиий. Бироқ мактаб, бола учун ҳаётда керак бўладиган ҳамма нарсани беролмаслиги ҳам аниқ. У фақат битта жуда муҳим нарсани, инсоннинг маънавий ҳаётида бошқарувчилик ролини ўйнайдиган бир кўникмани бера олади ва бериши шарт. Бу мустақил ўқиш ва ёзиш, мустақил фикрлашга даъват, энг муҳими китобга муҳаббат кўникмаси. Ўқувчи мактаб партасидаёқ сўз санъатининг сеҳрли оламини ҳис этсин. Китобдан тўлқинланишни, ғазабланишни, кўз ёши тўкишни, қувонишни билсин. Чунки экрандан кўрган фильмлар ўзларини томоша санъати билан тарбиялаётганини, асар воқеасини қидиришга одатлантириб қўяётганини тушуниб етсинлар. Кўпгина ҳолларда бунга одатланиб қолган баъзи ўқувчилар китоб ўқиганда ҳам воқеасинигина эслаб қолишга одатланиб қоладилар.

Демак, мактабдаёқ китобга муҳаббатни тарбиялаш бугуннинг талаби эканлигини унутмаслигимиз керак.

Шу маънода лойиҳанинг 15-пунктига: «**Ўқувчиларга китобни мустақил ўқиш, мустақил такомил топиш одатини ўргатишни тарбия жараёнидаги энг муҳим йўллардан бири ҳисоблаб, буни ўқув программасига киритиш ва унинг методикасини ишлаб чиқиш лозим деб қаралсин**»,— деган таклиф киритиш керак.

Норқул БЕКМИРЗАЕВ,
филология фанлари кандидати, доцент

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

УСТАЛАР МАКТАБИ

Ҳамид ҒУЛОМ

Ҳунар, ҳунардан унар.
Халқ мақоли.

КЎҲНА замонлардан буён Фарғона водийси халқини, айниқса Андижон области деҳқонларини кўкламдан кузгача тошқин хавфи билан муттасил ташвиш исканжасида сақлаб келган Қорадарё, Кампирравот ва Қорабағиш қишлоқлари ёнида асримиз давомида бир неча марта жиловланган, айниқса ўттизинчи йилларда ўртача ҳажмда бетон тўғон қурилган бўлса ҳам, лекин на бу тўғонлар, на икки-уч юзлаб мироблару сепоячиларнинг кеча-кундуз уринишлари асов дарёнинг ваҳший қудратига бас кела олган.

Қўрғонтепа районининг Султонобод қишлоғидан чиққан машҳур мироб Йўлдош Тўхтахўжаев ҳақида кўп эшитган ва андижонлик журналист Анорбой Қуронбоевнинг «Сув достони» номли очерклар китобида ўқиган эдим-у, аммо 1934 йил фавқулодда қутурган тошқин билан курашда фожиали ҳалок бўлган бу афсонавий қаҳрамон — мироблар отахони ҳаётининг тафсилотини билмай юрардим. Советободнинг Найнаво мавзуига қарашли Тўхтахўжаев номидаги маҳаллада, Шаҳрихонсой каналининг шундоққина соҳилидаги чойхонада Йўлдош отани билган, бирга ишлаган кекса мироблар билан суҳбатлашдим, кейин мироббошининг уйига бориб, унинг ёлғиз қизи — эндиликда кекса педагог Муқаддам опадан отаси ҳақида суриштирдим, ниҳоят, домла Музаффаров билан мулоқатда бўлиб, Қорадарё тарихи, бу ердаги қурилишлар ва ана шу бунёдкорлик ишларини амалга оширган кишилар ҳақидаги тасаввуримни кенгайтириб олдим.

Мен ҳунар, касб ҳақида ёзар эканман, яқиндагина хариталарда номи пайдо бўлган Советобод шаҳри ва унинг одамларини қаламга олганлигим, бинобарин, баъзи тарихий фактларга ҳам мурожаат қилаётганлигим бежиз эмас. Халқнинг улкан ишларини ҳамиша билимдон кишилар, тўпа маънода ҳунар эгалари бажариб келганлар. Сув масаласида ҳам элимиз бу ишнинг мутахассисларига ҳамиша катта эҳтиёж сезиб келган. Чунончи, узоқ ўтмишда ота-боболаримиз Қорадарёдан Андижонсой каналини қазиб чиқарганлар. Биз бу ҳақда «Бобурнома»да қуйидаги шоирона тавсифни ўқиймиз:

«Андижон руди Ўшнинг маҳоллотининг ичи била ўтиб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудга мушрифдур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур».

Нақадар ҳаққоний тасвир! Мен бултур ёзда Кампирравот дараларидан биридаги уйчада яшаб турганимда Бобур тасвирлаган гўзалликни ўз кўзим билан кўрдим: қип-қизил лолалар гилами июнь ўрталаригача яшнаб турди, оппоқ очилган гулхайрилар таровати ўзгача...

Инсон ва табиат, инсоннинг табиат учун жавобгарлиги — бу қадимий мавзу ҳар кун, ҳар соат хушёр торттиради, билим олишга, касб ўрганишга даъват этади!

Мироблик касби — энг машаққатли ва энг мўътабар касблардан. Бу касбни эгаллашга инқилобдан илгари ҳам Россиянинг тараққийпарвар зиёлилари Туркистон меҳнаткашларига мададкор бўлганлар. Чунончи, ўтган асрнинг охирида Петербургдан Андижонга келган лойиҳачи инженер К. Н. Синявский Қорадарё тўғони лойиҳасини тузаётган кунларда унга ёрдамлашиб юрган султонободлик Тўхтахўжа исмли деҳқон ўз ўғли Йўлдошни унга топширган ва рус инженери 14 ёшли болани ўзи билан олиб кетиб, Петербург лицейида ўқитган ва беш йилдан кейин Йўлдош ўз юртига гидротехник дипломи билан қайтиб келган. Ўшанда ёш ҳунар соҳибини Қорадарё мироблари ўзларига мироббоши қилиб кўтардилар. Тўхтахўжаев бу соҳада ўттиз йил ишлади. Ўттизинчи йилда Кампирравот тўғони қурилишига келган Йўлдош Охунбобоев Тўхтахўжаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган мироб» фахрий ёрлиғини тантанали вазиятда топширди.

Дипломли биринчи мироб, унвонли биринчи мироббоши ҳақида яқин ўтмишга чекиниш қилишдан кўзда тутган мақсадим ҳозирги улкан юксалишга осонликча эришмаганимизни эслатиб ўтиш. Эндиликда биргина Ўзбекистонимизнинг ўзидаги ўнлаб олий ўқув юртларида, юзлаб ҳунар-техника билим юртларида ҳар йили қишлоқ хўжалиги учун, шу жумладан, унинг ирригация ва мелиорация каби ниҳоятда зарур соҳалари учун минглаб мутахассислар тайёрланмоқда. Кадрлар кўп, лекин иш ундан ҳам кўп — ҳунар эгалари етишмайди. Бинобарин, мутахассисларнинг дипломлари бир хил бўлгани билан билим даражалари ҳар хил.

Советобод янги, социалистик шаҳар... Унинг биринчи биносига пойдевор қўйилганига эндигина ўн йилдан сал ошди. Ҳозир эса, унда 41 миллатга мансуб аҳоли яшайди. Буларнинг кўпчилиги ёшлар эканлиги табиийдир. Улар эл оғзида. «Андижон денгизи» деб донг таратган Кампирравот сув омбори ва ГЭСини қурган, эндиликда эса шу ердаги ўнга яқин йирик саноат корхоналари — бетон ва темир-бетон конструкциялари заводларида, уйсозлик комбинати қурилишида, таран-бўёқ заводида, кабель заводи қурилишида, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарида ишлаётган, шаҳар хўжалигини бошқараётган, ниҳоят, шу атрофдаги колхоз, совхозларда посёлкалар, йўллар, чорвачилик фермалари барпо этаётган ёшлардир.

Шаҳар марказида «Дружба» кинотеатри бор. Бу янги муҳташам бино ҳам асл архитектураси, ҳам томошабинларга қулайлиги билан пойтахт шаҳарлардаги маданият саройларини эслатади. Шаҳар жамоатчилигининг йиғилишлари ҳам шу бинонинг залида ўтказиб турилади. Мен ана шундай ёшлар тарбиясига бағишланган йиғилишлардан бирида иштирок этдим ва домла Музаффаров билан илк дафъа ўша ерда танишдим. Ана шу тантанали йиғилишда педагоглар номидан домла Музаффаровга сўз берилди. Ёши олтмишлардан сал ошган, қаддибасти ҳам чуваккина, яхши дазмолланган одми костюми, оқ қўйлагу кўк галстугигача ўзига ярашган, юзи табассумга мойил, кўзларидан меҳр томиб турган бу отахон-муаллим залдан секингина чиқиб келди-да, президиумдагилар билан саломлашгач, бир неча варақ қоғозга ёзиб олган нутқини ўқимоқ учун кўзойнагини тақди. Бироқ мен унга синчков тикилиб турган бўлсам ҳам хатни ўқиганини кўрмадим, домла ўз фикрларини изчил ифодалаш учунгина қоғозга тушириб олганини, аслида эса тарбияга оид фикрлар унга аллақачон ёд бўлиб кетганини, чунки домла бу ҳақда кўпдан буён ўйлаб юрганини дил-дилимдан туйдим... Домла эстетик тарбия масалаларига алоҳида тўхталди. У ўзи раҳбарлик қилаётган «Усталар мактаби» тажрибасида истеъдодли педагогларнинг адабиёт, санъат ва музикадан машғулотлари, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларидаги ижодий изланишлар ўнлаб ҳунар эгалари бўлиб етишаётган ёшларнинг билимларни чуқурроқ ўзлаштиришга, мураккаб касбларни муваффақиятлироқ эгаллашларига ёрдам бераётганлигини айтди.

Орадан бир неча ой ўтгач, мана бу кун мен КПСС Марказий Комитетининг умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини қайта-қайта ўқир эканман, советободлик Ғулом Музаффаровнинг «Усталар мактаби»ни эсладим.

Андижон денгизи қурилиши икки беш йилликка мўлжалланган эди. «Андижонгидрострой» мутахассислари иш кўламининг йилдан йилга кенгайиб бориши, кўплаб кадрлар зарурлигини ҳисобга олиб домла Музаффаровнинг Усталар мактаби очиш ва маҳаллий ёшлардан ўрта маълумотли турли касб эгалари тайёрлаш ҳақидаги таклифини қизғин қувватладилар. Музаффаров у вақтда Андижон Қурилиш техникумининг Хонободдаги филиалида директор бўлиб ишлар эди. Усталар мактаби дастлаб ана шу филиалнинг эски биносида очилди. Кейинчалик «Андижонгидрострой» бошқармаси бўлажак шаҳар маркази — Қорабағиш посёлкасида янги бино қуриб бергач, мактаб бу ерга кўчириладиган бўлди.

Узоқни ўйлаб, ҳар бир ишни пухта ташкил қилишга одатланган домла Музаффаров аввало, ҳар йили турли касблар бўйича қанча мутахассис тайёрлаш кераклигини олдиндан хомчўт қилди. Дастлабки ҳисоб-китобга кўра, ҳар йил камида 500 уста тайёрлаш даркор эди. Бу ҳазилакам вазифа эмас эди. Буни чуқур тушунган Музаффаров бир нечта жонкуяр муаллим дўстларини ишга тортиб, усталар мактабини очиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашга киришди. Тез орада бу ерда мактаб ўз фаолиятини бошлаб юборди.

БИЗ уч киши — Ғулом Музаффаров, халқ депутатлари Советобод шаҳар Советии ижроия комитетининг раиси Солижон Меҳмонов ва мен «Дружба» кинотеатри муҳташам биносининг рўпарасидаги кенг дарахтзор хиёбонда суҳбатлашиб турибмиз. Қорадарёнинг ўнг ёғида бир-биридан баланд-паст тепаликларга жойлашган бу янги шаҳар кафтда тургандай яққол кўзга ташланади. Анави энг баланд тепа — «Боғи баланд» оромгоҳи. Шаҳар тепасидан у ерга фуникулёрнинг йўғон сим арқонлари тортилган. Биронта бўш кажава йўқ, осмонўпар боққа чиқиб-тушгувчилар беҳисоб. Баландлиги 115 ярим метрлик «Андижон денгизи» тўғонининг орқасидаги инсон қўли яратган уммон, оби-ҳаёт ҳов... олисларга, Қирғизистон тоғлари этакларигача бориб ёйилган. Бул баҳрул-ҳаёт Кампирравот дараси иқлимини ҳам анча ўзгартириб юборган. Июнь охири, саратон бошланганига қарамай, ҳаво салқин.

— «Усталар мактаби» очилгандан буён саккиз минг нафардан зиёдроқ ўрта маълумотли ҳунармандлар тайёрланди, — деди Музаффаров Қорадарёнинг чап қирғоғида қад кўтарган корхоналарнинг девқомат корпусларини кўздан кечирар экан.—Ана шу кўриниб турган заводлар, қурилиш ташкилотларида бизнинг ёш усталаримиз — кечагина нима иш қилишни билмай юрган, бугун эса ўнлаб мураккаб ҳунарларни ўрганиб олган мастерларимиз ишламоқдалар.

Мен аввал «домла сал катта кетмадиларми?» — деб ўйладим. Бироқ мен кўриб турган янги социалистик шаҳар, унинг кўча ва хиёбонлари, бинолари ва боғлари, салкам икки миллиард кубометр ҳажмдаги сув омбори, водийга нур соча бошлаган ГЭС, атроф қишлоқларда бирин-кетин қад кўтараётган янги посёлкалар... — буларнинг ҳаммасини минглаб моҳир қўллар жасорати бунёд этган-ку!

— Фуникулёрни ҳам ёш усталар қурганми? — қизиқиб сўрадим Музаффаровдан.

— Ҳа, — домла учун Меҳмонов жавоб берди. — Бу — Ўрта Осиёдаги биринчи фуникулёр. Уни қурганлар ҳам, «Боғи баланд»ни бунёд этганлар ҳам «Усталар мактаби»нинг собиқ талабалари.

— Бу ёшлар қаердан келишяпти ва ўқишни тамомлаганларидан кейин қаерга бориб ишлашади! — сўрайман домла Музаффаровдан.

— Аввало, бу табиат қонуни. — Миийиғида кулиб жавоб берди домла. — Турмуш яхшиланиб борган сари болалар ҳам кўп туғиляпти, тез ўсиб балоғатга етяпти. Чунончи, биз «Усталар мактаби»ни очган йилимиз туғилган болалар ҳозир 14—15 ёшга кириб, бизга ўқишга келишяпти. Ахир, ҳамма ҳам олий ўқув юртларига кира олмайди-ку! Айниқса, қишлоқ шароитида бу масала ҳамон муаммо бўлиб қоляпти. Демак, ўқиш билан бирга ҳунар ўрганиш керак. Касб танлашга келсак, бу иш ўқувчининг ўз ихтиёрида — у истаган касбини танлаши ва «Усталар мактаби»нинг ўзи танлаган группасига кириб ўқиши мумкин. Энди иш масаласига келсак, биргина бизнинг Қўрғонтепа районимизда Уйсозлик комбинати, Кабель заводи каби қудратли корхоналар, енгил, маҳаллий, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари қуриляпти. Кампирравот тўғонининг ичи кавак — кенг саройи эканини биласиз. У ерга ўрнатилган ва ички қурилиш-ремонт ишларини бажарувчи кўтарма кранларни, лифтларни, пультларни бошқараётган машинистлар, мастерлар, ёки Андижон аэропортида самолётлар учиб-қўнадиган янги бетон йўл қуриб берган азаматлар ҳам бизнинг талабаларимиз бўлганидан қувончим чексиз.

— Яна бир нарсани айтиш керак, — деб домланинг сўзларини қувватлади Меҳмонов. — Ёш усталаримиз фақат бу ерда қолмай, мамлакат бўйлаб тарқалиб кетяптилар. Бир неча минг мелиоратор, бинокор, шофёр, тракторчи, машинист ва бошқа касб эгалари бўлган йигит ва қизларимиз Жиззах ва Қарши даштларида, БАМда, Новгород, Иваново совхозларида, Тошкент қурилишларида ишлаяптилар. Булар ичида ўша ерларда уйланиб, оилали бўлиб қайтиб келаётганлари ҳам анчагина.

Ўша кунги шаҳар сайри ва ёшларнинг ҳунар ўрганишига доир суҳбатлар кейин мен «Андижон денгизи» тепасидаги икки адир оралиғига жойлашган ижодхонамга қайтиб кетиб, ўз ишим билан машғул бўлсам ҳам, тиниб-тинчимас домла Музаффаров ва унинг «Усталар мактаби» ҳақида кўп ўйладим.

«Бир кўрган — таниш, икки кўрган — билиш» деганларидай, менга Ғулом Музаффаровни яна бир марта кўриш ва батафсил суҳбатлашиш муяссар бўлди. Мен одатим бўйича саҳармардонда туриб, хонамда «Андижон денгизи» номли ўша кунларда ёза бошлаган романим устидаги кунлик ишимни тугатгач, боққа чиқсам, домла Музаффаров шарқираб оқаётган ариқ устига қўйилган сўрида танҳо ўзи хаёл суриб ўтирибди.

— Э, домла, сизни менга омад шамоли қанотида учириб келтирди! — деб юбордим қувонганимдан.

Музаффаровнинг чеҳраси ёришиб, дарҳол сўридан турди-да, қўлидаги иккита қалин папкага ишора қилди:

— Ишингизга ёрдамим тегармикан, деб «Усталар мактаби»га доир манави ҳужжатларни опкелувдим.

—Жуда соз! — Домла билан эски қадрдонлардай қучоқлашиб кўришдик. — Бу папкаларни менга қолдирасиз, шошмасдан ўрганиб чиқаман. Қани мундоқ ёнма-ён ўтирайлик, менинг сизга битта саволим бор, аммо эриш туюлса мени кечирасиз, бинобарин, авф сўрашга асосим бор, ахир, бадиий ижод — бу инсоншуносликдир.

— Қани-қани, сўранг! — домла шундай деди-ю, лекин ҳарқалай менга шубҳаланиб қараб қўйди.

— Ўзингиз, оилангиз, фарзандларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз!

— Э-э, қандоқ бўларкин...— Нечундир хижолатдан домланинг пешонасидан тер чиқди. — Менинг турмушим ҳар бир оддий муаллимнинг турмушидан фарқ қилмайди, оилам ҳам оддий аёл... Етти фарзандимиз бор: ҳаммалари қиз... Ўғил кўрмадик... Биринчи қизимиз Маҳбуба... Энг кичигини кечагина куёвга бериб, чолкампир сўппайиб қолдик...

Мен домланинг ҳикоясини шу ерда тўхтатаман. Нега десангиз, Музаффаровлар оиласидаги ҳар бир қизнинг таржимаи ҳоли, ўқиши, иши, турмуши алоҳида бир асарга мавзу бўлишга арзийди. Музаффаровнинг тўнғич қизи Маҳбуба рус мактабида ўрта маълумот олгач, қурилишда ишлай бошлайди ва Қўқон Давлат педагогика институтида сиртдан ўқиб, олий маълумотга эга бўлади. «Андижонгидрострой» комсомоллари Маҳбубани қурилиш комсомол комитетига секретарь қилиб сайлайдилар. Маҳбуба шу ерда партияга киради ва ўз тенги, қадрдон дўсти — инженер йигитга турмушга чиқади. Уларнинг ҳозир иккита ўғилчалари ва битта ширингина қизчалари бор. Маҳбуба кўп ўқийди, айниқса, бадиий адабиёт асарларини қўлидан қўймайди. Уни Андижон область комсомол комитетига секретарь қилиб сайлайдилар. Бу вазифада бир неча йил ишлагач, унинг ташкилотчилик қобилиятини, ишчанлик фазилатларини ҳисобга олиб, партия ишига кўтарадилар. Маҳбуба Ғуломовна Музаффарова ҳозир Қўрғонтепа район партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаяпти ва айни вақтда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабининг иккинчи курсида сиртдан таҳсил кўрмоқда.

МАНА сизга домла Музаффаров етти қизидан бирининг қисқача таржимаи ҳоли.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида «Халқ ўқитувчиси ёш шахс маънавий дунёсининг меъморидир, жамиятнинг ишончли кишисидир, жамият ўқитувчига энг азиз, энг қимматли бўлган болаларни, ўз умидини, ўз келажагини ишониб топширади», дейилган.

Ўқитувчи шаънига меҳр тўла айтилган бу сатрларни ўқир эканман, кўз олдимда Ғулом Музаффаров каби фидойи инсонлар жонланади.

Янги асар қаршисида. С. МАҲКАМОВ фотоси

АКС САДО

МАЪНАВИЯТ МЕЗОНИ

Баъзан иш юзасидан, гоҳида эса кўча-кўйда «ҳозирги болаларнинг тарбияси ниҳоятда оғир, улар билан ишлаш қийин», қабилидаги гап-сўзларга гувоҳ бўламиз. Бўлса бордир. Бироқ бу фикрларни ҳамма болаларга нисбат бериш тўғримикин? Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ишловчи бир танишим бу ҳақда шундай фикрда: «Ўқитувчиларнинг бола тарбиясидан нолиб гапиришлари яхши эмас, — дейди у. — Инсон болалигида бир нав-ниҳолким, уни қай тарафга эгсанг, шундай ривож топади. Болаларни ёшлигидан яхшиликка ўргатиб бориш керак, токи бу уларнинг эҳтиёжига айлансин». Ҳақ гап. Гап ана шу оддий ҳақиқатга қанчалик амал қилишда. Айрим ота-оналар билан бўлган суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, баъзи мактабларнинг бошланғич синфларида тасвирий санъат, меҳнат, жисмоний тарбия каби дарсларга жуда кам эътибор берилади, гоҳида бу фанлар мутлақо ўтилмайди. Нега шундай, деган саволнинг туғилиши табиий, албатта. Ахир, бу фанлар мактаб программасига бекор киритилмаган-ку! Бошланғич синф ўқувчилари ҳали мўрт, ўйинқароқ бўлишади. Улар дастлабки пайтларда сурункалиқ ўқиш-ёзишга кўникма ҳосил қилавермайдилар. Шунинг учун ҳам, юқорида кўрсатилган предметлар болаларда меҳнат, ҳаракат ва ижодий кўникма ҳосил қилишга ёрдам беради. Бунинг ўрнига ҳадеб ўқитиб, ёздирилаверса, бола мактабдан, дарслардан безиб қолади. Дарс жадвалида бўлган ҳолда бу предметларнинг ўтилмаслиги ёки кам ўтилиши яна бир бошқа хунук оқибатга олиб келади. Бундай ҳол гўдакнинг онгида «Ёзилган нарса доим ҳам тўғри бўлавермас экан, кўрсатилган нарсани бажарсаям, бажармасаям бўлар экан», деган чалкаш фикр туғдиради. Бола ёшлигидан ёлғонга, сохталикка ўргана бошлайди...

Мактабларимиз ҳаётида баъзан шундай воқеалар ҳам учрайдики, улар болалар, ўқувчи-ёшларнинг маънавиятига таъсир этади, онгини заҳарлайди, тарбиясига бевосита салбий таъсир кўрсатади.

Бир илмий бўлим мудири бошқа мактабда ўқийдиган қизини ўзи ишлаётган мактабга олиб келиб, 9—10-синфни шу ерда ўқитди. Илмий мудирнинг қизи мактабни олтин медаль билан тамомлади. Қизчанинг медаль олишига бизнинг эътирозимиз йўқ. Чунки у кимнинг қизи бўлишидан қатъий назар, пухта билимга эга, ҳар томонлама етук бўлса, медаль олишга арзийди-ку! Хўш, шундай экан, қизни бошқа мактабга ўтказиш шартми? Борингки, бунинг ҳам узрли сабаблари бор, дейлик. Бироқ факт фактлигича қолаверади. Бу воқеадан бутун ўқувчилар хабардор. Ўша қизнинг хулқ-атвори, билими олтин медалга арзийдими-арзимайдими, аксарият мактаб ўқувчилари бу воқеани шундай талқин қилишлари турган гап: демак, бошлиқларга ҳамма нарса мумкин. У ўз қизига медаль олиб бериш учун атайин шу мактабга кўчирган. Қолганлар қанча ўқимасин, барибир, таниш-билишсиз медаль ололмайди. Ишонувчанлик хусусияти кучли бўлган болаларда ёмон хислатлар шундай воқеалар таъсирида пайдо бўлмасмикин? Оқибатда улар кишиларга ишонмайдиган, ҳамма нарсага юзаки баҳо берадиган, «таниш-билиш» деган бемаъни тушунчага таянадиган бўлиб қолишмайдими? Айниқса, ўқитувчига — муқаддас касбли инсонга нисбатан ишончнинг йўқолиши, очиғи, поймол бўлиши-чи! Наҳотки, бир одамнинг қилмиши учун бутун коллектив, барча ўқитувчилар баравар ёмонотлиқ бўлса? Ҳа, афсуски, шундай. Чунки педагогикада йўл қўйилган битта хато анчайин зарарли оқибатларни келтириб чиқариши тайин гап.

Мана шундай, баъзан бўлса-да, учраб турадиган хатолар азиз ва муқаддас бўлган муаллим, тарбиячи, деган шарафли номга доғ туширмаслиги учун ҳар бир ўқитувчи ўз-ўзини жиддий назорат қилиб бориши, энг оддий хатти-ҳаракатларини ҳам обдон ўйлаб кўриши лозим, деб биламиз. Халқимизнинг ҳам, партия ва ҳукуматимизнинг ҳам мурабийлардан истаги, талаби шу. КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида ўқитувчининг ўрни масаласида яхши фикрлар ўртага ташланган. Биз лойиҳадаги «Совет жамиятида ўқитувчи» бўлимига яна бир пункт қўшилишини, унга қуйидаги сўзлар ёзилишини таклиф қиламиз: «**Совет ўқитувчисининг инсоний қиёфаси пок бўлишига, унинг ғоявий етуклиги, маънавий баркамоллигига алоҳида эътибор берилсин**».

Ҳа, келажак пок, виждонли, садоқатли, ватанпарвар кишиларники экан, уларни вояга етказувчиларда бу фазилатлар ўн чандон ортиқ бўлиши керак. Барча устоз кўрган кишиларнинг истаги, орзуси шундай эканига шубҳа йўқ.

Гулчеҳра УМАРОВА,
журналист

АЛОҚА МУСТАҲКАМЛАНСА

Мен бир кимё ўқитувчисини биламан. У ўз фани билан бирга адабиётни ҳам жуда яхши кўради. Бу борадаги баҳслардан хабардор бўлиб боради. Янги китобларни топиб ўқийди. Бу эса унга кимё фанини ҳам чуқур ўрганишга ёрдам беради. Аммо худди шу мактабнинг адабиёт ўқитувчиси дарсига кирсангиз, зерикиб кетасиз. Ҳар гал дарсни пала-партиш ўтиб, тезроқ уйга кетишга шошилади.

Суҳбат пайтида бу адабиёт ўқитувчиси Азиз Несин кимлигини айтиб беролмади, сўнгги йилларда ўзбек ёзувчилари яратган романлардан бирортасини тилга ололмади.

Хўш, шундай ўқитувчилар ўз ўқувчисига нима ҳам бера олади. Афсуски, бундай кишилар оз эмас. Шундай экан, Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари И. Мўминов ўз расмий жавобида таъкидлаганидек, мактабнинг ёзувчи, шоирлар билан алоқасини янада мустаҳкамлаш керак. Улар айрим мактабларни ўз оталиқларига олсалар, айни муддао бўларди.

Н. ҚОДИРОВ
Тошкент

УСТОЗЛИК МАСЪУЛИЯТИ

КПСС Марказий Комитетининг Лойиҳаси муҳокама қилинаётганлиги муносабати билан районимиздаги 34-ўрта мактабда амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Чунки тажрибали педагог П. Ҳотамов директорлик қилаётган мазкур мактабдаги кўпгина анъаналарни оммалаштириш жуда фойдали бўлур эди.

Бу мактабда ўнинчи синфни битирган ўқувчиларга аттестат билан бирга турли касбларни эгаллаганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ҳам топшириляпти. Ўтган ўқув йилида кўплаб ўқувчилар ошпазлик, тракторчилик, слесарлик касбларини ҳам эгаллашди.

Айрим жойларда ўқувчи мазкур мактабни битириб кетгач, унинг тақдири билан қизиқишмайди ҳам. Аммо бу ерда собиқ ўқувчилар тез-тез мактабга таклиф қилиб турилади, зарур бўлганда уларга маслаҳат ёки ёрдам берилади. Устозлик масъулияти коллективни шунга даъват этади.

Дарҳақиқат, кечагина мактаб партасидан ҳаётга йўл олган ўсмирлар бир қатор қийинчиликларга дуч келишлари мумкин. Бу эса уларнинг ҳаётида жуда кўп нарсаларни белгилаб беради. Шунинг учун ҳам ҳақиқий устоз бир умр маслаҳатгўй бўлиб қолиши шарт.

Мен қонун лойиҳасида ана шундай анъаналарни кенг жорий этиш қайд этилса, айни муддао бўларди, деб ҳисоблайман.

А. ҒАНИЕВ,
Калинин район халқ маорифи бўлимининг ходими

МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ

Гулсара БОБОЖОНОВА

ШАҲАР ЁДГОРЛИКЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБ

ХИЗМАТ тақозоси билан республикамизнинг деярли барча шаҳарларида бўлиб, замонавий ҳайкалтарошлик ва рангтасвирга оид монументал ёдгорликлар билан танишиб чиқишимга тўғри келади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳайкал ўрнатилмаган бирорта шаҳарни учратиш қийин.

Ҳа, ҳайкалтарошлигимиз ёдгорликлари бор, бироқ уларнинг савияси қандай, ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладими? Булар республика монументал санъатининг ҳозирги аҳволини чуқур ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилишга асос берувчи жиддий масалалардир. Замонавийлик санъат асарларидан янги ва юксак талабчанликни тақозо этади. Бу талаблар ҳайкалтарошликнинг ғоявий-бадиий савиясига ва архитектуравий-планлаштириш композициясига таллуқлидир.

Бизнинг монументал ҳайкалтарошлигимизда, айниқса, Тошкентдаги Абу Али ибн Сино ёдгорлиги (архитектор В. Аксёнев, архитекторлар С. Одилов, Ю. Чистяков), Хўжа Насриддин ҳайкали (ҳайкалтарош В. Киселев, архитектор С. Сутягин) заминида мемориал комплекслар яратишда эришилган ютуқларни қайд этган ҳолда, шуни ҳам тан олиш керакки, ёдгорликларнинг муҳит, шаҳар ансамбли билан уйғунлиги муаммоси ҳам кун тартибида турибди. Ёдгорлик ва шаҳар, ёдгорлик ва табиий муҳит муаммолари кескин кўндаланг бўлмоқда.

Шаҳарнинг тарихий жойларига ҳайкал ўрнатиш масаласи алоҳида эҳтиёткорлик ва талабчанликни тақозо этади. Бу нарса Бухоронинг Лаби Ҳовуз майдонидаги Насриддин Афанди (ҳайкалтарош Я. Шапиро, архитектор К. Крюков) ёдгорлигига ҳам таллуқлидир. Бу ёдгорликнинг ўрнатилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, замонавий нуқтаи назардан фикрловчи архитектор ва ҳайкалтарош ҳамкорлиги ҳали етарли даражада пухта эмас: авторлар коллективининг шаҳар қурувчилари билан мустаҳкам алоқаси зарур, афсуски, ҳозирча бу йўқ.

Ҳайкалтарошликда, хусусан, инсон қиёфаларини акс эттиришда анъанавий усулларнинг ҳаққонийлигини инкор этишга асос йўқ. Маълумки, бунда монументнинг классик қурилиши сақланиб қолади: қиёфа ва пойдор (асос) муносабати битта бўлади ёки қиёфа пастки қисмга қўйилади. Бунга Гулистондаги А. Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғида улуғ рус шоирига ўрнатилган ҳайкални мисол қилиб келтириш мумкин.

Бироқ Сирдарё области марказининг архитектуравий-бадиий қиёфаси ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, шаҳарнинг кўча ва майдонларидан олинадиган умумий таассурот қониқарли эмас. Ҳатто Москва ва Ленинграднинг етакчи рассомлари ва усталари томонидан ишланган ҳайкаллар ҳам бу таассуротни яхшилашга ёрдам беролмайди. М. Фрунзе, С. Киров ёдгорликларининг архитектуравий планлаштириш композициясида профессионаллик етишмайди.

М. Фрунзе ёдгорлиги (ҳайкалтарош М. Табе, архитектор Б. Тошқўзиев) учта йўлнинг чорраҳасида жойлашган, тўртинчи томондан эса бронзадан ишланган от ҳайкали ўрнатилган боққа туташади, сўнг темир йўл ишлари ва пиёдалар ўтадиган ерга бирлашган. Бундай вазиятда ёдгорликни на узоқдан, на яқиндан тўлиқ кўздан кечириб бўлади. Архитектор шаҳар ансамбли ва ёдгорлик мутаносиблигини ҳисобга олмаган.

Бизнингча, замонавий монументал ҳайкалтарошликда инсон қиёфасини акс эттиришда янги ечимлар топиш керак. Ўлчамларни ҳаддан ташқари катталаштириш, инсон баданини геометрик талқин қилиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Тошкентда ўрнатилган Ал-Хоразмий бюсти (ҳайкалтарош В. Немировский) ана шундай ҳайкаллардан.

Замонавий ҳайкалтарошлик ёдгорлиги ўзининг шаҳар қиёфасини белгиловчи ролини йўқотиб қўйди. Шаҳарларнинг майдонларида транспорт тиқилиб кетмоқда, чорраҳаларда ўрнатилган ёдгорликлар эса одамлардан ажралиб қолмоқда, чунки унинг атрофида транспорт оқими тинмайди.

Архитектуравий монумент шаҳар қиёфасини белгилашга мўлжалланган анчагина қулай ёдгорлик кўринишидир. Шакли ва ғоявий мазмуни турлича бўлган обелиск усулидаги устунлар кенг урф бўлиб кетди. Майдонларда, катта очиқ бўшлиқларда ва магистрал йўлларда жойлашган бу ёдгорликлар узоқ масофадан ҳам яққол кўзга ташланади ва ҳозирги замонавий шаҳар шароитида ўзига хос композицион белги вазифасини ҳам бажариши мумкин. Замонавий магистрал кўчаларнинг кўплаб километрга чўзилганлиги, моқда. Янги район қурилишларида вертикал ёки горизонтал ҳолатдаги гугурт қутисини эслатувчи улкан бинолар қуришдан қочиш керак, чунки бундай бинолар инсон ҳиссий-эстетик талабларидан йироқ бўлади, замонавий одам шаҳарнинг тарихан шаклланган, анъаналар ижодий ривожлантирилган қисмида ўзини яхшироқ сезади, янги районларга эса фақат турар жой нуқтаи назаридан қарайди.

Янги турар жой районларини ва жамоат марказларини планлаштириш принципларини тубдан ўзгартиришгина санъатларнинг ўзаро алоқалари учун шароит яратади. Бироқ яна янги бир муаммо пайдо бўлади. Шаҳарлар ва янги шаҳар районларини лойиҳалаштириш билан боғлиқ масалалар фақат барча ишлар комплекс ҳал этилгандагина тўлиқ самараларга эришиш мумкин. Албатта, бу ишга системали равишда ёндашиш керак.

Яна бир бор шуни таъкидлаш жоизки, ёдгорликни яратишда иштирок этувчи архитектор авторлар коллективининг доимий аъзоси бўлиб қолади ва масалага шаҳар ансамбли эмас, балки монумент автори нуқтаи назаридан ёндашади. Шаҳар қурувчи эса ўз навбатида монументнинг жойлашишидаги камчиликни, шаҳарнинг умумий ансамбли билан уйғун эмаслигини тезда пайқай билади. Қаршидаги марказий шаҳар магистралига ўрнатилган Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишланган ҳайкалда (ҳайкалтарош В. Немировский, архитектор И. Пинхасов) ана шундай қусур сезилади. Ёдгорлик боғда, дарахт ва буталар соясига яшириниб, магистралдан четга чиқиб қолган. Агар йирик область марказида аҳвол шундай бўлса, унда чекка қишлоқлар, колхоз-совхозларда аҳвол қандай бўлади?

Кўриниб турибдики, бугунги кунда «монумент ва шаҳар» муаммоси ҳали етарли ҳал этилган эмас.

Замонавий монументал ҳайкалтарошлиги муаммолари ҳақида гап кетганда, эътиборни кам, жалб этувчи яна бир масалага тўхталмасдан илож йўқ. Баъзи ижодкорлар мемориал ёдгорликларни планлаштириш ишини фойда манбаига айлантириб олмоқдалар.

ТУЛА бадиий қимматга эга асарларнинг пайдо бўлишига халақит берувчи бу амалий тажриба Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига ёдгорлик ўрнатиш учун пухта ўйланган план ва марказлашган раҳбарликнинг йўқлигидан келиб чиққан. Замонавий монументал санъат шаҳар қурилишида тубдан ўзгариш юз бераётган шароитда ривожланмоқда. Бу эса ижодкорлар ва шаҳар қурувчилари ўртасида мустаҳкам алоқа бўлишини талаб этади. Шаҳарларнинг бош плани тузилаётган пайтда ўзаро ҳамкорлик бўлса ва монументал пропаганданинг перспектив планлари тузилсагина монументал санъатнинг бундан буёнги ривожланишига замин яратилади. Бироқ булар ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Монументал санъат ривожи, шунингдек, рассомлар архитекторлар билан бирга санъатлар синтезининг замонавий усулларини ишлаб чиқишларига замонавий шаҳар ўсиши динамикасини ҳисобга олишларига ва биринчи навбатда вақт тушунчасини назарда тутишларига ҳам боғлиқ.



Қашқадарё область Чироқчи район марказида Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари шарафига ўрнатилган ёдгорлик.

ЗАМОН РУҲИ

УЛУҒ ОКТЯБРЬ социалистик революцияси миллий музика маданиятимизга ҳам жиддий сифат ўзгаришлари бахш этди. Оғзаки мусиқий анъанадаги музикавий-тасвирий имкониятларнинг замонавий профессионал музика ижодиётига тадбиқ этилиши миллий музикамизда кенг уфқлар очди. Янгича ҳаётий воқелик ва замон руҳини ёрқинроқ ифодалашга имкон берувчи опера, симфония, ораторня жанрларини ўзлаштира бориш музика маданиятимизда бутун бир даврни ташкил этади. Бу — кўп овозлилик анъанасининг ўзлаштирилиши билан боғлиқ.

Ҳозир оғзаки мусиқий анъанадаги профессионал музиканинг бой тасвирий воситалари, замонавий муҳит таъсирида кузатилаётган турли ўзгаришлар, асосан, чолғу куйларининг талқинида, ижрода яққол сезилиб қолмоқда. Миллий музикамизга замонавий руҳнинг кириб келишини яққолроқ тасаввур этиш учун ўзбек симфоник музикасининг босиб ўтган йўлини тарихий-типологик жиҳатдан кузатиш диққатга сазовордир. Ўзбек музикасига замонавий жанрларнинг кириб келиш тараққиётини шартли равишда уч асосий босқич — кўп овозли музика воситаларини қабул қилишга тайёргарлик даври, замонавий жанрдаги асарларнинг илк ва айнан юзага келиш даврларига ажратиб номлаш мумкин.

Кўп овозлилик анъанаси янги музикавий тафаккур услуби сифатида ўзини Европа музикасида шаклланган жанрлар орқали намойиш этади. Замонавий жанрлар — янги қабул қилаётган миллий санъат учун маълум даражада ижодий юксалиш ва янги композиционн ғояларни ўзлаштириш мезони бўлиб хизмат қилади.

Замонавий жанрлар ўзлаштирилиши даврларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Кўп овозли музика воситаларини қабул қилишга ҳозирлик кўрилаётган дастлабки давр 20—30-йилларга тўғри келади. Бу ифоданинг кўп овозлилик хусусиятларини ўрганиш, симфоник музика эквивалентларини анъанавий музикада англай бошлаш билан характерланади. Бу даврга хос бўлган музика асарлари асосан бир овозли оҳангларни қайта ишлаш билан яратилган. Ўзбек совет музикасининг жонкуярларидан бири В. Кпенскийнинг «Ўрта Осиё халқларининг тўрт куйи» асари музикамиз тараққиётининг шу даврида яратилган. Унда муаллиф миллий музикага симфонизмни олиб киришда гармония, фактура, тембр каби музика воситаларига хос ифода йўлларини биринчи бўлиб қўлладн. Бу бошқа композиторларимиз учун ибрат бўлди. Улар томонидан янгилик тезда ўзлаштирилди ва ижодий ривожлантирила борди.

Кўп овозли музика воситасида яратилган илк асарлар пайдо бўла бошлаган, яъни иккинчи даврда шу жанрга оид баъзи музика асарларини шакл сифатида қабул қилиш, унга эргашиш характерлидир. Кекса авлод композиторларидан Г. Мушелнинг «Алишер Навоий хотирасига» деб номланган 2-симфонияси ўша даврда яратилган бирмунча кўзга кўринарли асар эди. Мазкур асар авторнинг 30-йилларда халқ куйларини қайта ишлаш асосида яратган 1-симфониясидан тубдан фарқ қилади. Бунда ғоя соната аллегроси билан бошланадиган тўрт қисмли туркумда мужассамлашган. Ў мазмун ва шакл жиҳатдан симфония жанрининг талабларига жавоб беради.

Ниҳоят, 70—80-йилларга келиб миллий симфоник музикамиз бирмунча мукаммаллашди. Бу сўнгги даврда яратилган асарлар ранг-баранг бўлиш билан биргаликда, мазмун талабларига ҳам жавоб берди. Композиторлар И. Акбаров, С. Жалил, Р. Ҳамроев, Ҳ. Раҳимов, Н. Зокиров, Б. Гиенко ва Ф. Янов-Яновскийнинг айрим асарлари фикримизнинг далилидир.

Т. Қурбонов, М. Тожиев ва М. Маҳмудов каби композиторлар эса симфонизмда мақом йўналишига асос сола бошладилар. Мазкур асарларда мақом қонуниятлари ўзига хос «режиссёрлик» вазифасини ўтайди. Бундай усул асосий ғояга асло халал бермайди, аксинча, лирик образнинг ёрқинроқ гавдаланишига кўмаклашади, умуман, асарга замонавий руҳ бахш этади.

Миллий музикамизга симфонизмнинг кириб келиши жараёни кўп овозли ифода воситасини эгаллаш, миллий оҳанглардан фойдаланиш билан амалга ошди. Ҳозирга келиб музикамиздаги симфоник оҳанглар эркин ривожланувчи жанр деб тан олинди.

Миллий музикамизга замон нафаси — унинг ифодачиси симфоник куйнинг кириб келиш суръати ҳар бир даврда халқнинг маданий савияси, унинг санъатга бўлган қизиқиши билан ўлчанади. Масалан, янги ҳаёт қуриш учун қизғин кураш кетаётган ўттизинчи йилларда музикадаги кўп овозлилик анъанасини татбиқ этишга киришилган бўлса, олтмишинчи йилларга келиб музика санъатимизнинг замонавий жанрига эътибор кучайиб кетди. Санъатга партия ва ҳукуматимиз катта гамхўрлик қилди. Миллий музика меросимизнинг эстетик ва маънавий таъсир доирасини ёрқинроқ инкишоф этишда симфоник шаклдан самарали фойдаланиш муаммоси ҳозирги давримиз учун ҳам долзарб масаладир.

Кенг миқёсда халқ музикасига таянган ҳолда миллий симфоник асар, хор ва камер асарлари, опера ва балетлар яратиш борасидаги Совет шарқи республикалари эришган ижодий ютуқ ва тажрибалар Шарқ мамлакатлари анъанавий музика маданияти учун ҳам катта тажриба мактаби бўлиши мумкин. Самарқандда ўтган музикашуносларнинг халқаро анжуманларида ҳам бу муаммо санъаткорларнинг диққат мраказида бўлди.

«Айрим чиқишлар бизга Шарқ ва Европа музикаси уйғунлашувининг ажойиб намуналарини эшитишга имкон берди, — деган эди Тунисдан келган музикачи Салоҳ ал-Маҳди. — Биз симфониялар яратишга киришиб яхши иш бошлаганимизга ишонч ҳосил қилдик». Таниқли ҳинд санъат арбоби Нараяна Менон ҳам ўз сўзида бу фикрни тасдиқлади.

Шуни айтиш керакки, кўп овозли музика воситалари билан ифодаланадиган жанрларни ривожлантира бориш бир овозли музикага тамоман барҳам бериш деган гап эмас. Бир овозли музиканинг ҳам ўз йўриғи, ўз ўрни бор, албатта.

ХУЛЛАС, бугунги кунда музикага санъатимиздан кенг ўрин олган миллий симфоник оҳанглар объектив зарурият натижасида — жамиятимиз ҳаётидаги буюк социал ўзгаришларни тараннум этиш учун вужудга келди ва ривожланиб бормоқда.

Н. ЯНОВ-ЯНОВСКАЯ

ИЖОДКОР УСТАХОНАСИ

ОҲАНГДАГИ ТАСВИР

Ўтган йили Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, композитор Дилором Сайдаминова асарлари СССР 60 йиллигига бағишланган республика ижодкорлари конкурси, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг музика асарлари конкурси, «Тошкент оқшоми» ва Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига атаб уюштирилган конкурси мукофотлари билан тақдирланди. Кўп овозли жанрлар ва қўшиқ жанрида баракали ижод қилаётган композитор янги асарлари ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Аслида кўп овозли музика жанрларига бўлган қизиқиш, мени ижодиётнинг сирли оламига бошлаган эди. Чунончи, симфонияда чуқур фалсафий фикрларни ифодалаш, сержило турмушимизни турфа ранг оҳангларда куйлаш имкони бор. Тошкент консерваториясида ўқиб юрган кезларим яратган IV қисмли симфония диплом иши сифатида қабул қилинган эди. Шу кунда меҳр билан ёзаётган асосий ишларимдан бири беш қисмдан иборат симфониядир. Бу асарни «Жонажон Ўзбекистоним» деб номладим. Янги симфонияда далаларимиз, боғларимиз саховатини, тоғларимиз салобатини, қўли гул деҳқонларимиз матонатини мусиқавий бўёқларда тасвирлашга ҳаракат қилмоқдаман. Бу асар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига совға бўлади.

Қўшиқ жанри катта изланиш талаб этади. Шоир Ҳайдар Муҳаммад шеърига ёзган «Мангу олов» қўшиғини ўн беш вариантда ёзганим ҳамон эсимда. Кейинги вақтда «Ялла», «Садо» вокал нолгу ансамбллари билан ҳамкорлик қилдим. Ҳурматли шоирларимиз Туроб Тўла, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева билан вокал чолғу ансамбларига янги ашулалар яратиш борасида ҳамкорлик олиб бормоқдамиз.

Миллий оҳанг, тантанавор руҳдаги байрам увертюрасини, «Қудратимиз дўстликда» деган музикали табрикни ёзиб тугалладим.

Т. Саъдуллаев. «Экскурсо вод қиз».

Газетамизда бошланган «Театр ва томошабин» мавзуидаги баҳс қизғин давом этмоқда. Шу кунгача мунозара юзасидан жиддий фикрлар, фойдали маслаҳатлар ўртага ташланган бир неча мақолалар ва газетхонларнинг хатларидан намуналар эълон қилинди.

Қуйида, баҳсни давом эттириб, газетхонларнинг мактубларидан айримлари билан таништирамиз.

СЎЗ—ГАЗЕТХОНЛАРГА

Ўз педагогик фаолиятим давомида театр билан тез-тез учрашиб туришимга тўғри келади.

Янги йил арафасида билим юртимиз ўқувчиларини область театрида яқинда саҳналаштирилган спектаклга олиб бормоқчи бўлдик. Театр раҳбарларига мурожаат этгандик, улар буни мамнуният билан қабул қилишди. Илтимосимизга биноан, истаган кунимиз, хоҳлаган вақтимизга спектаклни белгилашди. Талабаларимиз намойиш қилинган асардан, унинг ижодкорлари ва ижрочиларидан ниҳоятда хурсанд бўлишди.

Бундай ҳоллар бизда кўп бўлиб туради. Ҳар бир спектаклдан сўнг мунозара, суҳбат ўтказамиз. Қисқаси, аудиторияларда берилаётган таълим-тарбия жараёнида театрнинг ҳам ҳиссаси катта.

Лекин бу ёрдам, бу восита моҳиятини, қадрини, афсуски, ҳамма жойда ҳам чуқур тушуниб етмаяптилар. Натижада, мунозарада таъкидланаётган қўнгилсизликлар юз бермоқда. Бундай ҳолларни бартараф этиш учун нималар қилиш кераклигини мунозарада иштирок этаётганлар жуда тўғри кўрсатиб бермоқдалар. Фикримизча, масаланинг ижобий ҳал бўлиши учун кенг жамоатчилик фаол иштирок этиши керак.

Бизнингча, аввало, тарғибот ишларини яхшилаш лозим. Жумладан, афишалар сифатига эътибор берилса. Ҳозирги баъзи театрлар афишасида спектакль номи ва унинг ижодкорлари қуруқ ҳарфий бирикмаларда ифодаланади, холос. Баъзан уч-тўртта хонанда иштирок этувчи концерт учун неча хил рангли афишалар чиқади. Лекин ўнлаб актёрлар қатнашадиган спектакль афишасида бирорта саҳна кўриниши ёки актёр сурати берилмайди. Шунингдек, актёрларимиз, режиссёрларимиз одамлар орасида кўпроқ бўлсалар, ўзлари учун ҳам, мухлислари учун ҳам фойдали бўларди. Радиода, матбуотда ҳам театр спектакллари, актёрлар ижоди ҳақидаги материалларни кўпайтириш лозим.

Театр ва томошабин муаммосига пайванд яна бир масала бор. Бу ҳаваскорлик драма тўгараклари, халқ театри масаласидир. Маълумки, улкан санъат даргоҳига етук саҳна юлдузлари ҳаваскорлик саҳнаси орқали кириб келишган. Шундай пайтлар бўлганки, ҳар бир ўқув юртида, завод ва фабрикаларда драма тўгараклари ишлаб турган. Ўшанда ҳозиргидек улкан маданият саройлари, клублар, саҳна имкониятлари, овоз кучайтргич аппаратлар бўлмаганлиги ҳаммамизга маълум. Аммо ҳозир шу имкониятларга қарамай, бу маданиятнинг савияси паст, деган фикрни билдиришди. Мен бунга қўшилмайман. Чунки бугунги томошабин, қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, адабиёт ва санъат асарларини етарлича таҳлил қилиш қобилиятига эга. Томошабиннинг театрга кам келиш сабабини театрнинг ўзидан излаш керак. Одамлар яхши асарни, айни пайтда, яхши ижрочиларни севадилар. Бир вақтлар Мукимий номидаги театрнинг кенг шуҳрат қозонишида Раззоқ Ҳамроев, Лутфихоним Саримсоқова, Сойиб Хўжаев, Эътибор Жалилова, Маҳмуджон Ғафуров, Ҳамза Умаров ва бошқаларнинг катта хизматлари бор.

Яна шу томони борки, томошабинлар музикали драма театрига яхши қўшиқ эшитиш ва уни ўрганиш учун ҳам келадилар. «Тоҳир ва Зуҳра»даги «Отмагай тонг», «Эй, қуёш», «Фарҳод ва Ширин», «Алпомиш», «Олтинкўл»даги ажойиб қўшиқлар халқ юрагига сингиб кетган ва уларни ҳамон мароқ билан куйлайдилар. Ҳозирги айрим музикали спектакларга кирган одамнинг эса шовқиндан асаби бузилади, қўшиқ сўзлари у ёқда турсин, оҳанги ҳам эсда қолмайди.

Театрларимизда кишиларни чинакамига қизиқтирадиган, уларнинг дилидаги муаммоларни ифода этадиган спектакллар кам қўйилмоқда.

Актёрларнинг ўз устларида, роль устида ишлашларига жиддий эътибор бериш керакка ўхшайди. Мен СССР халқ артисти Шукур Бурҳоновнинг ролга тайёрланиш жараёнига кўп марта гувоҳ бўлганман. Бундай пайтларда Шукур ака ҳамма нарсани, ҳатто овқатланиш ва ухлашни ҳам унутиб юборадилар. Спектаклда ўйнайдиган кунлари эса гримхонага жуда эрта бориб оладилар. Ҳозир баъзи актёрларимиз бир кунда бир неча «операцияни» бажаришга улгуришади: радиога, телевиденнега, кинога, яна аллақаерларга бориб, кечқурун спектаклга келадилар. Шу билан бирга, яна бир жиддий масалага тўхталиб ўтишни истардим. Театр — ҳаёт, ибрат мактаби. Томошабин ундан фақат эстетик завқ олмай, онги, тафаккури, дунёқарашини шакллантиришга ҳисса қўшадиган кашфиётлар кутади. Бироқ баъзан кўпчилик биладиган дурустгина актёрларимиз тўйларга бориб, у ерда тайин-бетайин гаплар билан ваъзхонлик қилиб, эртасига саҳнада одамийлик ва виждондан гапирсалар, томошабинга бу қандай таъсир этади?

Биз ўзбек адабиётининг атоқли намояндалари Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» асарларини қайта саҳнада кўришни истаймиз.

Мўмин ҚАЮМОВ,
ишчи

Хоразм

Қобилжон ЮНУСОВ,
Андижон педагогика билим юрти директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари

* * *

Театр ва томошабин баҳсида иштирок этганларнинг баъзилари томошабинларсала бироз оқсаб қолди. Драматик асарлар бўйича ўтказиладиган конкурс-кўриклар сони камайиб кетди. Шунингдек, саҳна асарларининг нашри, айниқса, болалар ва ўсмирларга аталгани ниҳоятда оз.

ҚИШЛОҚДА ЧЕМПИОНЛАР НЕГА КАМ?

Боши иккинчи бетда

Ҳар ишда бўлганидек, спорт ҳам қатъий интизомни талаб этади. Узилиш, узоқ танаффуслар эришилган натижаларни барбод этади, холос.

Борис ГОДУНОВ,
ТошДУ спорт кафедрасининг ўқитувчиси

— Жиддийроқ ўйласангиз, қишлоқ спортининг негизи ўрта мактабдан бошланади. Болада спорт ҳақида илк таассурот, илк таълим-тарбия худди шу ерда шаклланади. Жуда кўп қишлоқ мактабларида спорт секциялари ишламайди, жисмоний тарбия дарслари тўлиқ ўтилмайди...

Яна бир мулоҳаза: Собир Қурбоновдек, мен ҳам тўйларда жуда кўп марталаб кураш тушганман. Илгарилари, тўй қишлоқ ёшлари учун ҳақиқий мусобақа ҳисобланар, узоқ-узоқлардан кучли полвонлар йиғилишар эди. Илк ғалаба қувончини ҳам, мағлубият аламини ҳам тўйдан олганмиз... Ҳозирги тўйларда афсуски, кураш ўрнини катта базмхўрлик — ичкилик эгалламоқда. Менингча, бу ҳақда ҳам жиддий ўйлаб кўриш фойдадан ҳоли эмас.

Сайфиддин ХОДИЕВ,
самбо бўйича жаҳон чемпиони

СССР халқларининг VIII ёзги спартакиадасини спорт мухлислари яхши эслашади. Мусобақаларда республикамиз вакиллари умумкоманда ҳисобига олтинчи ўринни эгаллашди. Бу жуда катта ютуқ. Лекин совриндорлар орасида қишлоқ спортчиларидан деярли бўлмагани ачинарли ҳолдир. Умуман, кейинги йилларда Ўзбекистон спортчилари эришган ютуқларда қишлоқ спортчиларининг улуши жуда оз.

Шу кеча-кундузда «Пахтакор» республика кўнгилли спорт жамияти ихтиёрида 14 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Тошкент областининг Коммунистик районида чим устида хоккей мактаби, Самарқанд областининг Пахтачи районида от спорти мактаби, шунингдек, ўн бешта хўжаликлараро спорт мактаблари мавжуд. Бу мактабларда қарийб 10 мингга яқин спортчилар тарбияланмоқда. Бу жуда катта куч. Лекин эришилаётган натижалар-чи? Спортда — иш, натижа, фақат жиддий ютуқлар, ғалабалар билангина ўлчанади, тан олинади.

Бундан бир неча йил бурун Андижон область, Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозида биринчи колхозлараро спорт мактаби очилган эди. Бу ташаббусни кўпгина хўжаликлар қўллабқувватладилар. Фарғона, Сурхондарё, Бухоро областлари колхоз-совхозларида ҳам шундай мактаблар ташкил этилди. Афсуски, бошқа областларга бу хайрли ташаббуснинг шамоли ҳам бориб етмади.

Ҳозир кўп мактабларимизда жисмоний тарбия дарслари кўнгилдагидек йўлга қўйилган деёлмаймиз. Айрим мактабларда эса жисмоний тарбия дарси оддийгина футбол ўйинига айланиб қолган.

Кўпгина қишлоқ мактаблари ҳозиргача ўз спорт залларига, спорт анжомларига эга эмас. Бу масалани ҳал қилиш эса мактаб жойлашган хўжалик раҳбарларига боғлиқ. Бу борада Бўка районидаги «Коммунизм» колхозида қилинган ишлар оммалаштирилса арзийди. Бу ерда Ҳамид Олимжон номидаги ўрта мактаб ўқувчилари учун 7,5 минг ўринли стадион, футбол майдони, енгил атлетика, волейбол, баскетбол, қўлтўпи ва сузиш майдончасига эга бўлган спорт комплекси қуриб берилди. Энди бу спорт иншоотида фақат мактаб ўқувчилари эмас, колхозчилар ҳам спорт билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

Қишлоқ спорти оқсаётганлигининг яна бир сабаби, мутахассисларни танлаш ва кадрларни ўз ўрнига қўйиш билан боғлиқ. Хўжалик раҳбарлари район кўнгилли спорт жамиятлари билан ҳисоблашмай, ўзларича бу муҳим вазифани ҳал этишади. Ваҳоланки, улар танлаган «мутахассислар»нинг кўпчилиги спортдан бехабар, фақатгина колхоз, совхоз раҳбарларининг айтган юмушларини бажарадиган, ҳақиқий ишдан эса узоқ кишилар. Масалан, ҚҚАССР Тўрткўл районидаги колхозда партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Р. Райимбердиев спорт инструктори вазифасини бажаради, Амударё район, Крупская номидаги колхознинг спорт инструктори Б. Собировнинг касби рассомлик, Навоий область Конимех районидаги «ГПЗ» спорт инструктори А. Файзиев эса музика билим юртини тамомлаган, Хатирчи районидаги «Учқора» совхози спорт инструктори Т. Юсупов бухгалтер, Чиноз районидаги тўртта хўжалик спорт инструкторлари ўрта маълумотга эга. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кадрлар қўнимсизлиги «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг район бўлимларида ҳам тез-тез рўй бериб турадиган одатий ҳол. Кейинги тўрт йил ичида Бекобод районида уч марта, Оҳангарон районида эса икки марта жамият раиси ўзгартирилди.

Кейинги йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, қишлоқда спорт ишларига биринчи навбатда партия-совет ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари эътибор беришлари керак. Юқорида биз фахр билан тилга олиб ўтган хўжаликларнинг ҳаммасида спортни жон-дилдан севувчи, фидойи, ташкилотчи раҳбарларнинг хизмати катта.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикада физкультура ва спортни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган катта кенгаш ўтказди. Кенгашда бу муҳим масала атрофлича ва чуқур таҳлил этилди, қатор муҳим тадбирлар белгиланди. Ўйлаймизки, яқин йилларда қишлоқларимиздан ҳам етук мастерлар ва чемпионлар чиқажак, улар республикамиз спорти шуҳратига ўз улушларини қўшажак.

РЕДАКЦИЯДАН: Ўтган йили республикада оммавий физкультура ва спортни янада юксалтириш тадбирлари амалга оширилиб, 1,9 миллионга яқин ГТО комплекси нишондорлари тайёрланди.

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз қатор тадбирлар ўтказди, бу соҳага катта эътибор бериб, тегишли шарт-шароитлар яратмоқда. Юқоридаги мақолада республикада қишлоқ спортининг баъзи томонларигина ёритилди. Шунинг учун ҳам мақола авторлари жойлардаги конкрет фактлар, спортчиларимиз дуч келаётган айрим муаммолар ҳақида баҳс юритишган.

Ҳурматли газетхонлар! Сизнинг районингизда, қишлоғингизда физкультура ва спорт ривожи қай аҳволда? Ютуқлар омили, камчиликларнинг сабаблари нимада?

Хатларингизни кутамиз.

Кўргазманинг тантанали очилиши.

ЎЗБЕКИСТОН ЖИЛОЛАРИ

Шу йил 28 февраль куни Москвадаги Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб республикамиз рассомлари, ҳайкалтарошлари, графиклари, халқ амалий санъати усталарининг асарларидан иборат кўргазма очилди. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси, СССР халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг мухбир аъзоси, Ҳамза мукофоти лауреати, кўргазма комитетининг раиси Раҳим АҲМЕДОВ ҳузурида бўлиб, мазкур кўргазма ҳақида қисқача сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Шу кунларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун республикамизнинг барча ижодий ташкилотларида ҳар қачонгидан кўра самаралироқ меҳнат қилинмоқда, — деди Р. Аҳмедов. — Бу қутлуғ санани арзирли асарлар билан нишонлаш ҳар бир ижодкорнинг шарафли бурчидир. Республикамиз рассомлари, ҳайкалтарошлари, халқ амалий санъати усталари ҳам бу муборак тантанага муносиб совғалар тайёрламоқда. Москвадаги Марказий кўргазмалар залида очилган кўргазма ҳам ана шу юбилейга бағишланди. СССР Маданият министрлиги, СССР Рассомлар союзи, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва республика Рассомлар союзи томонидан ташкил этилган бу кўргазма «Ўзбекистоннинг тасвирий, халқ амалий-безакли санъати» деб аталади.

Москвалик санъат мухлислари республикамиз рассомлари, ҳайкалтарош ҳамда амалий санъат усталари ижоди билан илк марта 1934 йилда танишган эдилар. Шу ярим аср давомида Ватанимиз пойтахтида ўзбекистонлик рассомларнинг асарларидан иборат кўргазмалар бир неча марта ташкил этилди, уларни москвалик санъат мухлислари қизиқиш билан томоша қилдилар. Аммо бу галгидек нуфузли, республикамиз тасвирий, ҳайкалтарошлик, амалий ва халқ санъати ҳақида тўла ҳамда атрофлича тасаввур ва маълумот берадиган кўргазма биринчи бор намойиш қилинмоқда. Кўргазма экспозицияларидан беш юзга яқин санъаткорнинг 1300 дан ошиқ асари ўрин олган. Улар орасида ўзбек совет тасвирий санъатининг илк намуналаридан тортиб, яқиндагина ниҳоясига етган асарларгача бор. Бироқ кўргазма намойиш этилаётган асарларнинг кўп қисмини республикамиз санъаткорлари томонидан 60—80-йилларда яратилган асарлар ташкил этади.

Ўзбек санъати — жаҳон қадимий бадиий маданияти билан тенгдош. Ўзбек гиламчи ва тикувчилари, чеканкачи ва заргарлари, кулоллар, ёғоч ва ганч ўймакор усталари Шарқ ҳамда Европанинг кўплаб мамлакатларида шуҳрат қозонганлар. Улуғ Октябрь инқилобидан кейин ўзбек санъати янада гуллаб-яшнади, унинг янги-янги форма ва жанрлари вужудга келди. Совет ҳокимияти йилларида ўзбек совет тасвирий, ҳайкалтарошлик санъати вужудга келди, шаклланди, тараққий этди. Санъатнинг бу турларининг ривожланишида рус ва бошқа қардош халқлар санъаткорлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этди. Республикамизда яшаб ижод қилган А. Волков, П. Беньков, З. Ковалевская, В. Уфимцев, Н. Кашина, А. Николаев каби рассомларнинг асарлари ҳам мазкур кўргазмадан кенг ўрин олганки, улар ўзбек совет тасвирий санъатининг дастлабки намуналари эди. Бу ижодкорларнинг шогирдлари ва сафдошлари бўлган Ў. Тансиқбоев, Ч. Аҳмаров, А. Абдуллаев, Р. Темуров каби рассомларнинг асарлари ҳам ўзбек совет тасвирий санъатининг тараққиёти ҳақида аниқ тасаввур беради.

Кўргазмада намойиш қилинаётган тасвирий, график, ва ҳайкалтарошлик асарлари республикамизнинг бугунги ҳаёти, халқнинг бунёдкорлик меҳнати ҳақида ҳикоя қилади. Бу ўринда Б. Бобоев, С. Абдуллаев, Н. Қўзибоев, Р. Чориев, Ж. Умарбеков, Б. Жалолов, И. Турсунназаров, А. Мирзаев, Г. Зильберман каби рассомларнинг, Э. Алиев, В. Дегтярёв, Д. Рўзибоев, А. Шоймардонов, Я. Шапиро, А. Бойматов, Ҳ. Ҳусниддинхўжаев сингари ҳайкалтарошларнинг ҳамда Қ. Башаров, М. Кагаров, В. Немировский, А. Пономарев, М. Содиқов ва бошқа график рассомларнинг асарларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Қатор ишлари билан Бутуниттифоқ ва чет эл кўргазмаларида иштирок этиб, томошабинлар назарига тушган А. Бекланов, Ф. Кагаров, Г. Ткачев, Н. Галиев каби ижодкорларнинг асарлари плакатлар бўлимида кенг намойиш қилинмоқда.

Кўргазмадан республикамиз театрларида ва киностудияларида меҳнат қилаётган рассомларнинг ижодидан намуналар ҳам бор. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг бош рассоми Г. Брим, республика қўғирчоқ театрининг бош рассоми В. Акудин, кинорассом Э. Калонтаровнинг турли спектаклларга, фильмларга ишланган эскизлари намойиш қилинмоқда. Шуниси қувонарлики, бу асарларнинг аксарияти Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти, шунингдек, СССР Давлат мукофоти билан тақдирланган.

Москвалик санъат мухлислари ўзбек халқ амалий санъати усталари ишлаган кулолчилик буюмларини, безакли ҳайкалчаларни, чинни ва биллурдан ишланган сервиз ҳамда вазаларни, гобелен ва заргарлик буюмларини, лойдан ишланган турли ўйинчоқларни, гилам ва палакларни, чеканка ҳамда ёғоч, металл, ганч ва халқ чолғу асбобларига ишланган турфа хил безакларни ҳаяжон ва ҳайрат билан томоша қилмоқдалар. Дарҳақиқат, республикамизнинг турли область ва районларида яшаган Қ. Ҳайдаров, У. Жўрақулов, У. Умаров ёки бугунги кунда ҳам ажойиб кулолчилик буюмлари, амалий санъат намуналари яратаётган риштонлик И. Комилов, ургутлик М. Облоқулов, С. Норқулова, С. Раҳматуллаева, Ж. Тоҳирова, тошкентлик М. Раҳимов, Ф. Сайдалиева, сурхондарёлик С. Шоҳимардонова, Н. Турдиева, Х. Холиёрова, О. Шойқулова, наманганлик М. Раҳимов, қўқонлик Ҳ. Эрматова ва бошқа ўнлаб, юзлаб нозик дидли санъаткорлар халқимиз олқишига сазовор бўлиб келмоқдалар. Уларнинг сеҳрли бармоқларида сайқал топган амалий ва халқ санъати намуналари Москва кўргазмасига ташриф буюрувчиларнинг диққатини жалб этмоқда.

Кўргазманинг тантанали очилишида СССР Рассомлар союзи правлениесининг раиси, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР, халқ рассоми Н. Пономарев нутқ сўзлади. У республикамиз рассомлари ижодига муваффақиятлар тилади.

Кўргазмани турли касб эгалари, шунингдек, Ватанимиз пойтахтига ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Мазкур кўргазманинг ташкил қилиниши биз, рассомлар учун шарафдир. Бу партия ва ҳукуматимиз санъатнинг бошқа турлари қатори тасвирий, ҳайкалтарошлик, амалий, график ва халқ санъатига ҳам доимо катта эътибор бериб келаётганидан далолатдир.

СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Жонибеков ва санъатшунос Ш. Ғаниева кўргазмага қўйилган асарларни томоша қилмоқдалар.

МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИДА

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг коллегия мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республикамизни 1983 йилда ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш бўйича давлат планларини бажариш борасидаги министрлик ташкилотлари ҳамда муассасаларининг ижодий, молиявий-ишлаб чиқариш фаолияти натижалари, 1984 йилдаги вазифалари муҳокама қилинди. Министрлик план-молия бошқармасининг бошлиғи М. Горштейн, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. Ларионова, маданият ёдгорликлари илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари К. Крюков, М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» ансамблининг директори А. Холмуҳамедов ўз ташкилотларида план кўрсаткичларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳисобот бердилар. План топшириқларини бажаришга партия ва ҳукуматимиз қўяётган талаблар доимо диққат марказида бўлиши лозимлиги уқтирилди.

Коллегия мажлисида КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида эстрада санъати ғоявий-бадиий савиясини ошириш бўйича Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг музика муассасалари, «Узбекконцерт» бирлашмаси, Ўзбекистон филармонияси, область маданият бошқармалари, область филармониялари амалга ошираётган тадбирлар тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Министрлик музика муассасалари бошқармасининг бошлиғи Э. Солиҳов, «Узбекконцерт» бирлашмасининг директори А. Назаров бу борада амалга оширилиши керак бўлган ишлар тўғрисидаги фикрларини баён этишди.

Шунингдек, республикамиз театрлари ва концерт ташкилотларида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Сарвар Азимов раислигида республика Ёзувчилар союзи правлениеси секретариатининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республикада бадиий адабиётни янада ривожлантириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда адабиётнинг ролини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Бу ҳақда Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Борис Пармузин нутқ сўзлади.

— Кейинги йилларда республикамизда бир қатор ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратилди, — деб таъкидлади нотиқ. — Адибларимиз ўз ижодларидан КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг ундан кейинги Пленумлари ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини дастуриламал қилиб олганлар. Республика Ёзувчилар союзининг органлари — «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Йылдыз», «Ёшлик» журналлари ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ўз фаолиятини сезиларли даражада жонлантирди, уларнинг тиражи ошди. Ёзувчилар союзи ва унинг матбуот органлари оталиқ ишларини изчил давом эттирмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленуми ва унда Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко сўзлаган ёрқин нутқ, шунингдек, ўртоқ К. У. Черненконинг Москва шаҳар Куйбишев район сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида илгари сурган вазифалар, қоида ва хулосалар мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари қатори республикамиз ижодкорлари зиммасига ҳам янги вазифалар юклайди. Бу программ нутқлардаги вазифаларни бажариш республикамиз адибларининг ҳам шарафли бурчидир.

Йиғилишда республика ижодкор ёшларининг учинчи семинари якунлари ҳам кўриб чиқилди. Бу семинарда Қорақалпоғистон АССР ва республикамиз областларидан саксондан ортиқ ёш ижодкор қатнашганлиги, улар орасида ғоят истеъдодли ижодкорлар борлиги алоҳида қайд қилинди. Семинар кунлари ёш ижодкорлар республикамизнинг атоқли ёзувчи ва шоирлари, танқидчи ва адабиётшунослари билан учрашдилар. Шунингдек, Тошкентдаги бир мунча завод ва фабрикаларда бўлдилар.

Бу йил СССР Ёзувчилар союзи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланади. Секретариат йиғилишида ана шу юбилейни муносиб кутиб олиш учун белгиланган тадбирлар плани тасдиқланди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига тайёргарлик ишлари ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда Қутлибека Раҳимбоева, Алишер Отақўзиев, Маҳмуд Муродов, Шоир Усмонхўжаев, Абулқосим Мамарасулов, Геннадий Савицкий, Нурмамат Қобилов ўртоқлар СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилиндилар.

ИНҚИЛОБЧИ ШОИР КУНЛАРИ

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида Ҳамзахонлик кунларини ўтказиш комитетининг йиғилиши бўлди. Йиғилишни комитет раисининг ўринбосари, профессор Лазиз Қаюмов олиб борди. Ҳамзахонлик кунлари муносабати билан республикада ўтказиладиган маданий- адабий тадбирлар ҳақида батафсил ахборот берди.

Ҳамзахонлик кунлари кеча Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтида кенг программадаги шеърхонлик кечаси билан бошланди. Март ойи мобайнида республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Ҳамза Ҳакимзода ижодиётига бағишланган адабий кечалар бўлади.

20 мартда А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий сессия, шу куни кечқурин Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида тантанали анжуман ўтади.

Ҳамзахонлик кунларида республиканинг йирик адиблари, олимлар, тадқиқотчилар, шоирлар, ҳамзашунослар, жамоат ташкилотларининг вакиллари фаол иштирок этадилар. Комитетда Ҳамзахонлик кунларига олиб борилаётган кенг миқёсдаги тайёргарлик ишлари ҳақида ахборотлар эшитилди ва маъқулланди.

МИСР ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ

Совет Иттифоқи ва Миср Араб Республикаси ўртасидаги 1983—1984 йилларга мўлжалланган маданий ва илмий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ мамлакатимизда шу кунларда Миср фильмлари ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан ҳафталикда иштирок этиш учун Москвага Миср кинематографчилари делегацияси ташриф буюрди.

Ҳафталик программасидан ўрин олган саккизта бадиий ва бешта қисқа метражли фильмларни мамлакатимизда москваликлардан ташқари, Харьков ва Боку меҳнаткашлари ҳам томоша қиладилар. Шунингдек, республикамиз кинотеатрларида ҳам ҳафталик давомида Миср фильмлари кенг намойиш қилинади.

Миср фильмлари ҳафталиги пойтахтнинг «Горизонт» кинотеатрида «Бойлик ва виждон» картинаси намойиши билан тантанали суратда очилди.

Республикамиз кино мухлислари Миср Араб Республикаси кино санъати билан аввалдан яхши таниш. «Яқин Шарқ Голливуди» деб ном олган «Мисрфильм»нинг бир қанча маҳсулотлари Москва ҳамда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси Тошкент фестивалларида дўстлар кўригидан ўтказилган.

Бу фестиваллар мисрлик кино режиссёрлар ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Жумладан, IV Тошкент кино фестивалида Ф. Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар» романи асосида ишланган фильмнинг намойиш қилиниши Миср киносида реалистик йўлнинг кучайиб бораётганини кўрсатади.

Ҳафталикнинг шу кунларда бўлиб ўтиши мазкур фестиваллар олдидан яна бир ижодий кўрик вазифасини ўтайди. Ҳафталик давомида делгация аъзолари билан ўзаро учрашувлар, суҳбатлар бўлиб ўтади. Бу халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Кўргазма залларида.

Махсус мухбиримиз Содиқ МАҲКАМОВ фотолари

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

«ЭРКИН ДУНЁ» ФОЖЕАСИ

Британиядаги ўз болаларига раҳмсиз муносабатда бўлувчи ота-оналар билан курашувчи Миллий жамиятнинг докладида айтилишича, Англия ва Уэльсда ота-оналар томонидан ҳар ҳафтада бир бола ўлдирилар экан. 1982 йилда судлар томонидан ана шундай ишларнинг эллик еттитаси кўриб чиқилди. Ваҳшийлашган ота-оналарнинг калтаги зарбидан ўлган болалар бу ҳисобга кирмайди. Суд уларни ўз ажали билан ўлган, деб ҳисоблаб, бу ишларни кўриб ҳам ўтирмайди. Жамиятнинг докладида таъкидланишича, ота-оналарнинг бундай ваҳшийлашишига сабаб — яшашнинг ниҳоятда оғирлиги, ҳар хил отишувлар, бомбаларнинг портлаши ва зўравонликлардир.

●

Инглиз Райен Брант 23 йил давомида даҳшатли бир сирни сақлаб келарди. У бундан 23 йил аввал хотинини ўлдириб, ўз боғига кўмиб қўйган эди. Кейинчалик у бу ерларни тарк этди, лекин қилмиши ҳамон тинчлик бермасди. Яқинда унга полиция: — Аввалги боғингиздан топилган аёл кишининг суяклари ҳақида сизга бирон нима маълумми?» — деган савол билан мурожаат қилди. Брант чидаб туролмади, шу заҳотиёқ қилмишини бўйнига олди. Суд уни умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилди. Лекин судда маълум бўлишича, у айбини бироз шошилиброқ бўйнига олиб қўйибди. Экспертларнинг хулосасига қараганда, бу суяклар бундан 1500 йил аввал яшаган римлик аёлнинг суяги экан.

●

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. 30 январь. Инженер Дитрих Хамдорф хотини ва икки боласини ўлдирди. Кейин ўзининг устидан бензин қуйиб ёқиб юборди.

МАНГЕЙМ. 31 январь. Комерсант Вольфганг Цишкале аввал икки боласини, сўнгра ўзини ўлдирди.

ФУЛЬДА. 30 январь. 18 ёшли Анна Бредендик ва 16 ёшли Эльке Хикль ўзларини газ билан заҳарлаб ўлдирдилар.

ГАМБУРГ. 1 февраль. 16 ёшли Гуннар Шульц тенгдоши Инес билан биргаликда кўп қаватли уйнинг 15 қаватидан ўзларини ташлаб ўлганлар.

Бу ГФР ва Ғарбий Берлинда ҳаётдан ўз хоҳишлари билан кўз юмганларнинг бир ҳафта ичидаги рўйхати, холос. «Квик» журналида айтилишича, буларнинг ёши, жамиятда тутган ўрни ва ҳаёт тажрибалари ҳар хилдир. Лекин уларни ўз ҳаётини ана шундай аянчли тамом қилишга нима мажбур қилди? Бундай саволга «Квик» журнали бир хил жавоб бермоқда: келажак олдидаги қўрқув. Ишсизликдан, қашшоқликдан, доим оч яшашдан қўрқув.

Инженер Хамдорф ҳали ишлаб турган эди, лекин ёши 46 дан ошган одам биринчилар қаторида ишсиз ва бошпанасиз қолиши мумкин. Бир қўл ва бир оёғи ишламайдиган 15 ёшли ўғли Карстенни бирон жойга шогирдликка бериб, бирон-бир ҳунарли қилиш учун елиб-югурганлари ҳеч қандай натижа бермади. Отасига бир кори-ҳол бўлса ўғли ва кичкинагина қизининг аҳволи нима кечади? Кўприкларнинг тагида ётиб юриб, садақа сўрашга қоладими куни? Ана шулар ҳақида ўйлаган бўлиши мумкин Хамдорф.

Ночорлик, умидсизлик, ҳаётда ўз ўрнини тополмаслик — бундай аҳволни Ғарбда ҳатто эндигина ҳаётга қадам қўяётган ёшлар ҳам жуда яхши биладилар. 18 ёшли Анна ва 16 ёшли Эльке оддийгина сартарош ёки гулчи бўлишни, ҳалол меҳнат қилишни орзу қилардилар. Бу орзуларини амалга ошириш учун улар қаерларга мурожаат қилмадилар, кимларнинг остоналарига бормадилар. Аммо улар ҳамма ерда бир хилда «йўқ» деган совуқ жавобни олардилар. Ғарбдагилар учун оддий тушунчага айланиб қолган «ортиқча»лар сони мамлакатда расмий маълумотларга қараганда, эллик мингдан ошиб кетган. Улар ҳатто шогирд бўлиб ҳам жойлашолмайдилар. Бу ерда касб-кор ҳам, мутахассислик бўйича диплом ҳам ишга жойлашиш учун кафолот беролмайди.

Видолашув хатида Анна: «Мен учун ҳаётнинг ҳеч қандай мазмуни қолмади... Доим пулим йўқ, қарз олиб яшайман, бунга тоқат қилиб бўлмайди. Мени эслаб йиғламанглар, эҳтимол энг яхши йўл шудир», деб ёзган.

Эльке эса «Мен ортиқ яшашни истамайман. Мени тушунинглар, мен ўз келажагимни жуда яхши тасаввур қиламан. Ҳаёт менга кўнгилсизлик ва қийинчиликлардан бошқа ҳеч нарса ваъда қилмайди. Биз яшаб турган дунёда булардан бизни фақат ўлим кутқариши мумкин», деб ёзади ўз яқинларига.

Мана, ҳали жуда ёш бўлган икки қизнинг фожеавий ва умидсиз хатлари. Ҳаётга энди қадам қўяётган бундай ёшларнинг олдида ҳамма эшиклар очилиши керак эди, лекин буларнинг бевақт ва мазмунсиз ўлими — улар яшаган капиталистик оламнинг шафқатсизлиги, раҳмсизлиги ва инсонларнинг қадрсизлигидан далолатдир.

●

Англияда даволанишга ўта муҳтож, тезда касалхонага ётқизилиши шарт бўлган киши бир ой кутиши керак. Англия учун бу қисқа муддат ҳисобланади. Кўпчилик беморлар касалхоналарга ётиш учун йиллаб навбат кутишади, баъзилар эса медицина ёрдами ололмай оламдан ўтади.

Ҳукуматга қуролланиш пойгасини авж олдириш, янгиянги қуроллар яратиш учун пул керак. Мамлакат бюджетида йилдан-йилга ижтимоий харажатлар учун маблағ қисқартириб ташланмоқда. Яқинда молиявий танглик туфайли биргина Темзанинг шимолиғарбий районида 30 йирик касалхонанинг ёпилиши маълум бўлди.

●

Американинг «Нью рипаблик» ҳафталиги бир сонини АҚШда ўқиш ва ўқитиш масалаларига бағишлади. Газетанинг редакцион мақоласида «Биз бирон-бир воқеа-ҳодисани ҳукумат комиссияси «аниқлагандагина» тан оламиз. Ҳозир бундай ҳол ўқиш ва ўқитиш соҳасида рўй бермоқда» дейилади. Конгресснинг бир қанча комиссия ва комитетларининг текшируви шуни кўрсатдики, АҚШдаги университет ёки колледжни битирган студент европалик олий маълумотли мутахассисга нисбатан анча саёз билим олган. Колледж ва мактабларда асосий фанлардан мустаҳкам билим бериш мунтазам тартибга солинмаган. Юқори малакали ўқитувчилар, маблағ етишмайди. Леон Ботштейн вазиятни тасвирлаб, бундай дейди: «Ўқиш-ўқитиш ишларининг танглиги биров томонидан ўйлаб топилган уйдирма эмас. Ҳозир кўпгина америкалик ёшлар олий маълумот олмоқдалар, лекин шуларнинг айримларигина ўқиш ва ёзишни ўрнига қўядилар. Қолганлар-чи? Улар ахир 12—16 йил таълим оладилар-ку!».

Мактабларда болаларга ёзиш, тиниш белгилари қоидалари, имло жуда юзаки ўқитилади. Фикрлашга, ўз фикрини ёзма равишда ифодалашга ўргатмайдилар.

Оқибатда Нью-Йоркдаги икки юридик фирманинг ходимлари учун кундалик инглиз тили дарси киритилди. Университетни битирган ва битираётганларга эса она тилини ўргатишга тўғри келмоқда.

●

Шовқин-суронли, тиниб-тинчимаган Европада Швейцария омади келган, тинч, осойишта мамлакат ҳисобланарди. Охирги вақтларда Европанинг марказидаги бу давлат ўзи ҳақидаги бундай гаплар ва таассуротлар афсона эканлигини исботламоқда. Анча ойлардан буён Швейцария ва чет эл матбуоти аҳолини полиция билан бўлаётган кучли тўқнашувлари, кўча жанглари, қора дори ва ҳар хил наркотиклар қурбонлари ҳақида кўплаб ёзмоқда. «Нойе Цюрхер цайтунг» газетасининг охирги сонида Цюрихда ҳар 27 минутда ўғрилик содир бўлаётганлиги хусусида ёзилган.

«Литературная газета»дан

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

—Ҳа, ўғлим, хафа кўринасан ё иккн олдингми! —деб сўради ота ўғлидан.

— Йўқ, муаллимимиз исмимни синф журналига рақам билан ёзиб қўйибди.

●

—Қизим, устарамни олиб чиқ, соқолимни олволай.

—Ия, соқолингиз ўзингиздаку, яна қаердан оласиз.

Х. ШАМСИДДИНОВ

●

Ўқитувчи ўқувчидан сўради:
— Нега атоқли отларни кичик ҳарф билан ёзяпсан!

— Дадам барча ҳарфларни кичик қилиб ёзсанг, ручкангнинг сиёҳи тежалади, деган эди.

●

—Дастурхон устидан юрма, исфлос қиласан.

—Хавотир олманг, пайпоғим яп-янги.

М. ИСМОИЛОВ

●

—Ойижон, сиз отмисиз!

—Нега бундай дейсан!

—Сиз доимо мени тойчоғим дейсиз-ку.

●

—Ойижон, дўқ қилишни биласизми?
—Қачон!

—Бирон ножўя иш қилганимда-да.

— Ҳа, албатта.
—Унда боғчамизда тарбиячи бўлиб ишлай қолинг.

●

Тинимсиз йиғлайверган Дилшодни акаси овутмоқчи бўлди:

— Қўй укажон, қолганини эртага йиғлайсан.

—Қолганини эртага йиғласам, адамла бугунгисига пул бермайдилар-да, —деди Дилшод кўзларини ўқалаб.

К. ҲАМРОЕВ

ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

Умримда бир марта қайнатма шўрва қилгандим, ўшани ҳам тагига олдириб юборибман.

Уйимизда ошхона борлигини —8-Март куни билибман.

Енгил машина нима учун иккита калит билан сотилишини мана энди билдим.

Ўғлимни олиб келай, деб боғча дарвозасига етганимда, унинг мактабда ўқиётгани ёдимга тушди.

Амалдор аёл қаршисида ҳар қандай қайсар эркак ҳам таъзимда бўлади.

Баъзи қўшиқчи шоирларнинг аёлларга бўлган ҳурматини аёлларнинг исми қўйилган қўшиқлардан билса бўлади.

* * *

Аёллар ички кийимини сотадиган баъзи эркак сотувчиларни ҳам 8-Мартда табриклаб қўйиш керак.

Саидмурод САЙДУЛЛАЕВ

ХАНДАЛАР

Ароқхўр байрам оқшомида зўрға эмаклаб уйига келди. Хотини эшикни очгач:

— Ие, хотин, сенга совға олиб келаётувдим, йўқотиб қўйибман, ҳозир топиб келаман, — дея орқасига қайта бошлади.

— Майли,—деди хотини. — Уйга эсон-омон ўз оёғингиз билан етиб келибсиз, шунинг ўзи катта совға.

●

Байрам арафасида корхонага янги директор тайинланди. Эртасига ходимлар «Келинойимга бериб қўярсиз», дея директорга совғасаломлар келтира бошлашди. Директор ҳузурига совғасиз кирган бир ходим сўради:

— Келинойим нечанчи туфли киядилар, хўжайин? Базада жияним ишлайди. «импортний»сидан олиб беради.

— Ҳар қанақаси бўлаверади.

— Ие, нега энди?

— Чунки ҳали уйланмаганман.

А. ИСОМИДДИНОВ



Рассом М. УНГАРОВ

Рассом Ш. СУБҲОНОВ

— Бу хизмат — беминнат идорасими? Айтинг-чи, бизга қанақа энага юборгансиз? Диванда икки букилганча, миқ этмай ўтирибди, — дейман телефон трубкасига бақириб.

— Эҳтимол у сизларга салом бераётгандир, — деб мулойимгина жавоб қилади аёл киши. — Кўряпсизми, бизнинг ходимларимиз шунақа хушмуомала, маданиятли...

— Салом беряпти дейсизми? Икки соатдан буён-а? Бунисн янгиликку. Биласизми, биз тўйга кечикяпмиз. Айтингчи, у болани овутиб турши лозимлигини биладими ўзи?

— Бўлмасам-чи? Биз сизга энг яхши, илғор энагамизни юбордик. Портрети икки йилдан буён ҳурмат тахтасидан тушмайди.

— Яхши бўлса ўзига, — дедим жиғибийрон бўлиб. — Бошқасини юборинг.

— Намунча бетоқатсиз? Нима, бу сизга қатиқ ёки тортмиди?

АНТИҚА ЭНАГА

Ноилож хуррак ота бошлаган энага ёнига оёқ учида юриб келдим. Энди у бурни билан ҳуштак чала бошлади. Ҳаммамиз уни уйғотиб юбормаслик учун нафасимизни ютиб ўтирардик. Ниҳоят, у аллақандай ғалати ҳаракатлар қилди, эринчоқлик билан кўзларини очиб, бошини кўтарди. Бир-икки акса урди.

— Хайрият!—дедик хурсанд бўлиб. Қосимжон бўлса суюнганидан ирғишлаб, ўйинга тушиб кетди. Мен энагага қараб илжайдим, яна ухлаб қолишидан ҳадиксираб, уни гапга тутдим.

— Мен, болаларим, шунақа маҳалда озгина мизғиб оламан. Медиклар ибораси билан айтганда, бу менинг ҳордиқ соатим. Уйқуда ҳикмат кўп, бўталоқларим. Эшитишимча, беморларни уйқу билан даволашармиш...

— Тўғри, тўғри, мен ҳам қаердадир ўқиганман, — дедим шоша-пиша. — Мана, ўғлимиз Қосимжон, уни сизга ишониб қолдиряпмиз. Биз, бувижон, меҳмондорчиликка шошиляпмиз.

— Негадир бошим зил-замбил. Ҳай майли, ҳечқиси йўқ, эсон-омон бориб келинглар.

Хотиним билан нари-бери кийиниб, дўстимнинг тўйига ошиқдик. Уйга анча кеч қайтдик. Кайфиятимиз яхши эди.

— Қосимжон мириқиб ухлаб ётгандир, — дейман хотинимга.

— Албатта, энага аллақачон ухлатиб қўйгандир.

Уйга кириб, ҳайратдан ҳангманг бўлиб қолдик: боши боғланган энага диванда пинакка кетганча хуррак отар, Қосимжон эса унинг ёнида ўтириб, эртак айтарди.

М. БОБОХОНОВ

БИЗГА ЎРТАСИ ҲАМ БЎЛАВЕРАДИ

ГАБРОВО ЛАТИФАЛАРИ

Бойнинг қўшниси эски қарзини қайтармасдан яна пул сўраб чиқди.
— Марҳамат, тортмадан керагини ол, — деди бой.
Тортмани очиб қўрган қўшни деди:
— Бу ерда ҳеч вақо йўқ-ку.
— Сен қайтариб бермаган бўлсанг, пул қаердан бўлсин.

●

Габроволик арзон меҳмонхонага тушган эди, кечаси билан кана чақиб чиқди. Чироқни ёқиб эшикни тарақлатиб очиб-ёпдию чироқни ўчириб яна ўрнига ётди. Иккинчи қаватда ётган киши:
—Ярим кечада нима қиляпсан! — деди.
— Канани алдаяпман. Мени чиқиб кетди, деб ўйласин.

●

Габроволик қайнанасининг қабрига тош қўймоқчи бўлиб:
— Ҳам арзон, ҳам кўзга кўринарлироқ бирор тош топ-падимми! — деб ҳайкалтарошдан сўради.
— Битта арзон тош бору, лекин бошқа одамнинг номи ёзилганди.
— Майли, бўлаверади. Марҳум қайнанам ўқишни билмас эди, —деди у.

●

— Мени кузатмай қўя қолинг, — деди меҳмон уй эгасига.
— Вой, қўйсангиз-чи, меҳмонни кузатишдан ҳам яхши иш борми, деди габроволик.

●

Габроволик меҳмон олдига картошка қўйиб:
— Баҳузур еяберинг, ўзимиз экканмиз, — деди.
— Чорбоғингиз йўқ эди шекилли! — ажабланди меҳмон.
— Мен ўзимга қабристондан жой сотиб олган эдим. Бекор ётмасин, деб картошка экиб қўйганидим.

●

— Янги йилга хотинимга нима ҳадя қилсам бўларкин!
— Мен одатда кейин ўзимга керак бўладиган нарсани ҳадя қиламан.
— Йўқ, мен фақат хотинимга керак бўладиганидан олмоқчиман.
— Ундай бўлса бир кулча совун олиб қўя қол.

●

Икки шофёр тор кўчада бир-бирига тўқнаш келиб қолади. Орқага қайтгани унисн ҳам бензинни қизғанади, бунисн ҳам. Бири газетани очиб ўқиб ўтираверди. Иккинчиси эса машинадан тушиб капотга ўтириб олди-ю:
— Ҳой, ошна, ўқиб бўлганингдан кейин газетани бу ёққа чўз! — деди.

●

Габроволик ёғ сотиб олди. Баққол харидорни алдамоқчи бўлиб, секин тарозига каттакон михни қўйди. Буни пайқаган харидор ёғ билан михни ҳам оларкан:
— Бунга ҳам пўл тўлаганман! — деди.

●

— Ростдан ҳам қизингни кассирга бердингми! — деб сўрадилар габроволикдан.
— Ҳа.
— Ахир унга сира ишонмас эдинг-ку!
Хозир ҳам ишонмайман, лекин энди ўғирлаган пулларини қизимга олиб борib беради-да.

●

Тушликка келаман деб Тотега хат қолдирган эдим, келсам уйда йўқ.
— Демак, хатингни олибди-да!

●

Габроволик уй сотиб олмоқчи бўлди. Қанақа уй олмоқчисан деб сўрашса бундай деди:
— Катталиги шунча бўлсинки, хотиним куи бўйи уй йиғиштириш билан овора бўлиб онасиникига борганн вақт тополмасин. Кичиклиги шунча бўлсинки, қайнанамнинг кўчиб келишига имкон бўлмасин.

●

Габроволик соатим ишдан чиқмасин, деб кечалари соатнинг тўхтатиб қўйиш ҳақидаги латифани шотландияликка айтиб берган эди.
— Шотландияликлар ҳам айни шунақа бўлади, — деди у, — менинг қўшним кечалари ёстиғи тагига сурнай қўйиб ётади. Кечаси соат неча бўлганини билмоқчи бўлса, деразани очиб, сурнай чалади. Турган гап, кимдир уйғонib:
— Қанақа ахмоқ, кечаси соат иккида сурнай чаляпти! — деб бақиради.

●

Габроволик балиқ олмоқчи бўлди. Сотувчи қайси томонидан берай, деб сўради.
— Озгина капласидан кесинг, ана энди озгина думидан кесинг, бизга ўртаси ҳам бўлаверади, — деди у.

Кибриё ҚАҲҲОРОВА таржимаси

ЎЗИМНИ ҚЎШМАЙМАН

— Ҳурматли ўртоқлар!
Бугунги йиғилишда қолибларни катта муко фотлар кутаётганлигини ҳаммамиз сезиб турибмиз. Шу бинонинг қурилишини ниҳоясига етказиб, кўпчиликни, халқни хурсанд қилган эканмиз, бу ишда бригадамиз аъзолари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Хабарингиз бор, пойдевор учун ариқлар қазиётганимизда ер остидан шўр сув сизиб чиқиб, ишнинг белига тепишига сал қолди.
Мен зудлик билан насос топиб, ҳамма сувни тортиб чиқариш тараддудини кўрдим. Ниҳоят, пойдевор учун бетон қоришмалар кела бошлади. Бу ишда шахсан каминалари қоришманинг қолипга катта аниқлик билан тушишига алоҳида эътибор бериб турдим. Натижада, қурилиш пойдевори лойиҳа асосида қурилди!
Деворларни тиклашда, ғишт теришда катта ҳиссам борлигини айтиб ўтирмайман. Бинонинг ўнг қанотидаги кўтарма кран бузилган пайтда ғишт узатиб турдим. Ҳатто иккинчи ва учинчи қаватларга ташиб чиққан пайтларим ҳам бўлган. Том устидаги шиферларга кетган ҳамма михларни ўзим омбордан машинага ортиб келганимни эътиборга олмаса ҳам бўлади.
Бугун шу минбарда туриб бригадамизнинг ютуғи ҳақида тўлқинланиб сўзлар эканман, мен ўзимнинг камтарона ҳиссам ҳақида гапиришни хоҳламайман. Бироқ, энг муҳими, бетон плитага тўрттадан пона қоқиб чиқмаганимда...
— Қисқароқ бўлсин, ўртоқ! — дея кимдир залдан луқма ташлади.
— Хўп, хўп. Хуллас, ушбу объектни муддатидан олдин, қойил қилиб фойдаланишга топширганимиз жуда катта иш бўлди. Лекин мен бу ишда катта ҳиссам бор, деб ўзимни қўшаётганим йўқ...
— Сўзни тугатинг, ўртоқ Ҳозиржон Нозиров, — деди мажлис раиси. — Биз ҳам сизни мукофотга қўшаётганимиз йўқ.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

ЖУРЪАТ

САККИЗ ОҒИЗ АСКИЯ

— Сабоҳатхон, мана шу арзимас совғани қабул этинг. Байрамингиз, яъни 8-Март муборак!
— Раҳмат! Адашмасам, мана шу саккиз йил ичида биринчи марта совға қиляпсиз-а?

— Саккиз йилда бир, деб жа ошириб юбордингиз. Совғани катта-кичиги бўлмайди ахир. Ўтган йили сизни қутлаб, битта саккизлик битган эдим, эсингизда йўқми?

— Эсимда, почта орқали юборган эдингиз. Қайсидир Саккизчелакми, Саккизёғочми деган жойга кетиб, роса бир ҳафта-ю икки кунда келган эдингиз.
— Сўз ўйинига жуда уста бўлиб кетяпсиз. Гапни ҳам худди саккиз рақамидай қайирib гапирасиз. Нима ҳам дердим, бугун пичоғингиз кесадиган кун. Икки карра уч неччи десангиз, саккиз деб қўл қовуштирib турaверамиз-да!

— Саккиз дер эмишлар, сиз жуда ҳисоб-китоблисиз, сираям санамай саккиз демайсиз.

— Қойил! Ана, соат ҳам салкам саккиз бўлиб қолибди. Қани, дастурхонга марҳамат, биз ютқаздик. Ҳисоб 6+2!
—Саккиз минутда димлама тайёрлайман деган эдингиз, қани 8-Март куни бир мардлик қилинг-чи, дадаси.

Абдураим НЕЪМАТОВ

Б. ГУРЕЕВ

— Биласанми, мен қатъий қарор қилдим... Сенга айтмоқчиман... Умуман шундай аҳд қилдим: мана, мактабни битирсак, ҳалиги...
— Нима?
— Институтга кираман. Ўқийман. Оширилган стипендия, жамоат ишлари, илмий тадқиқотлар... Хўш... Институтни битиргач, тезда ҳалиги...
— Нима?
— Аспирантурада қолдиришади. Қизиқарли мавзу, истеъдодли раҳбар, оригинал метод, муҳим натижалар... Уч йиллик тинимсиз заҳматлар... Хўш, кейин ҳалиги...
— Нима?
— Ишга кираман. Квартира, маош, машина, оёққа туриб оламан. Мана шунда ҳалиги...
— Нима?
— Докторлик ишини ёза бошлайман. Уйқусиз, ҳордиқсиз. Ёзиб битирсам бўлди. Етади. Шунда ҳалиги...
— Нима?
— Дам оламан. Дунёни кўраман. Лондон, Париж, Нью-Йорк... Сал ўзимга келиб олгач, ҳалиги...
— Нима?
— Яна ишга шўнғийман. Кўргазмалар, конференциялар, симпозиумлар... Шогирдлар... Кашфиётлар... Хўш, шундай қилиб, пенсия ёшига етганингни ҳам сезмай қоласан. Энди дам олсам бўлади. Мана шунда ҳалиги...
— Нима ҳалиги?
— Нима, нима эмиш... Сенга уйланаман — тамом-вассалом.

С. КАРИМОВ таржимаси

Рассом А. ХОЛИҚОВ

ОТАЁР

ТОПМАЙ ТАЖАНГМАН

Ёшлигимда шўх эдим жуда,
Қизчаларга тегажоқ эдим.
Шўху шаддод қизларнинг, жўра,
Қанчасидан тарсаки ердим.
Ҳамон шўху, тегажоқман мен
Есам ҳамки тарсакисини.
Бироқ энди топмай тажангман,
Қизлар ичра юраклисини...

Муҳаббат ТУРОБОВА

ҚАРҒА ДЕЙДИ...

Қарға шохда «қағғ!» —
— дейди,
Қор-қор кўпроқ «ёғғ!» —
дейди.
Боғда ёлғиз кезади,
Қордан дарак сезади.
Қиш эртагин тинглайди,
Осмон оқ ун элайди.
Ўйнаб учар — капалак,
Юлдузчаю оқ қанддак.
Ҳар зарраси— бир
конфет
Учиб келар кетма-кет.
Оппоқ рангда ер-осмон
Қор уюмн — бир хирмон.
Қараб кўзим қамашар,
Боққа оқлиқ ярашар.
Қиш бўйн боғда танҳо,
Қарға ўзн подшо.
Яйраб-сайраб «қағғ!» —
дейди.
Яна кўпроқ «ёғғ!» —дейди.

ҚИРДА

Каримларда тўртта қўй,
Султонники еттита.
Тизилишиб бўйма-бўй
Қир томонга кетдик-да,
Даврани олдик кенгроқ,
Қўйлар кетди ёйилиб.
Ботир қўлида таёқ
Ҳайҳайлар қўйни қойиб.
Ичимизда фақат Ёндош,
Экан эртак устаси.
«Уч оғайни», «Ёрил
тош»...
«Тез оқар сув» қиссасин
Сўзлаб берди шошмасдан
Катта тут соясида.
Қуёш қирдан ошмасдан
Турар тоғ қоясида.
Кирт-кирт узиб майсани
Қўйлар қорни қаппайди.
Эркалатсак Лайчани
Ерга ётиб талтайди.
Тоза ҳаво, тиниқ осмон,
Қир бағрида яйрадик.
Тушганида кумуш оқшом
Уйга пода ҳайдадик.

Абдулҳай НОСИРОВ

АКАМ КЕЛДИЛАР

Уйимизнинг лочини,
Ҳарбий хизмат бурчини
Ўтаб акам келдилар,
Кеча оқшом келдилар.
Куй бошланиб кетгандай,
Тўй бошланиб кетгандай,
Одамлар кела берди,
Ҳовлимиз тўла берди.
Ҳамма қучиб ўпади,
Бувим сочқи сочади,
Бизлар тойдай чопамиз,
Сочқиларни топамиз.
Акам эса ўртада,
Энг чиройли формада,
Турадилар мағрур, тиқ,
Қўпни Тўлан полвондек.
Қадамлари шахдам, зўр,
Кўзларида олов, қўр.
Шипга етар бошлари,
Катта-катта тошларни
Кўтаргудай билаги
Кучга тўлган, қарагин.
Кўнгиллари шодон, чоғ,
Медаллари мунча кўп.
Медаллари шунча кўп,
Саноғларим етмади,
Бармоқларим етмади...
Кеча келдилар акам,
Ҳаммамиз шоду хуррам.

ШАҲАР ҚУРИБ КЕЛСИНЛАР

Қуйруғидан сочиб ўт,
Учиб ўтса самолёт,
Кўзларида ҳаяжон,
Қўл силкийди Беҳзоджон:
«Самолёт, ҳо, самолёт,
Бизнинг боғдан пастлаб
ўт.
Лочинлардай кўчганда,
Узоқларга учганда,
Доврўғ солиб оламга,
Салом айтгин дадамга...
Дадам ўша олисда,
Баҳор, ёзу куз, қишда
Бинолар қурадилар.
Ҳар уйлари зўр сарой,
Боғларида кулар ой.
Гулзорлари яшнайди,
Қушлар қўшиқ бошлайди
Эрта билан яйрашиб.
Борганимда тоғ ошиб
Ҳаммасин кўриб келдим,
Ёз бўйи туриб келдим.
Дадам омон бўлсинлар,
Шаҳар қуриб келсинлар».

БОҒЧАДА БЕШ ЎРТОҚМИЗ

Боқчада беш ўртоқмиз,
Уришмаймиз, иноқмиз.
Бирга қўшиқ айтамиз,
Бирга уйга қайтамиз.
Бўйимиз ҳам теппа-тенг,
Уйимиз ҳам теппа-тенг.
Кўрган одам адашар,
Ака-ука аташар.
Ҳавас қилиб акалар,
Ихлос қилиб акалар
Бошимизни силайди,
Меҳру камол тилайди:
— Ўртоқ бўлиб улғайинг,
Шундоқ бўлиб улғайинг.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 тийин

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»

Орган союза писателей Узбекистана и Министерства культуры Узбекской ССР.

Бош редактор: Одил ЁҚУБОВ
Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Рамз БОБОЖОН, Собир БОБОЕВ, Барот БОЙҚОБИЛОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош редактор ўринбосари), Саъдулла ҚАРОМАТОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Назир САФАРОВ, Улмас УМАРБЕКОВ, Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул секретарь), Тўлепберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Лазиз ҚАЮМОВ, Малик ҚАЮМОВ, Сора ЭШОНТУРАЕВА.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент—700029, Ленин кўчаси 41.
ТЕЛЕФОНЛАР: Бош редактор — 33-52-91, 32-57-42, қабулхона — 32-54-71; бош редактор ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул секретарь—33-49-93, 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза —32-55-78; санъат—32-56-48; сатира ва юмор —32-56-49; фотолаборатория — 32-58-95.

Р. 00336. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти нинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Б. 3123. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12